

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий

ФАЗИЛАТЛИ ОЙ МУБОРАК БЎЛСИН!

Қадрли юртдошлар! Аллоҳга беҳисоб ҳамду санолар бўлсин, истиқлол туфайли кундан-кунга кўркамлашиб, чирой очиб бораётган ўлкамизга ойларнинг энг фазилатлиси Рамазони шариф ташриф буюрди. Юртимизнинг барча мўмин-мусулмонлари бу ойни интизор кутишди. Уни чинакамига солиҳ амаллар ва Аллоҳ розилиги учун ҳолис ибодатлар ойидек ўтказишга катта тайёргарлик кўришди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Рамазон арафасидаги хутбаларидан бирида бундай марҳамат қилган эдилар: «Эй инсонлар, буюк ва муборак ой сизларга яқин келди. Бу ойда минг ойдан яхши бир кеча бор. Аллоҳ таоло бу ой рўзасини фарз, тунлардаги ибодатларни суннат қилди. Бу ойда ким Аллоҳга яқин бўлиш ниятида эзгу иш қилса, ундан бошқа ойда адо этган бир фарз даражасини топади ва бу ойда бир фарзни адо этган киши бошқа ойда етмиш фарзни адо этган каби бўлади. Бу ой сабр ойдир. Сабрнинг мукофоти жаннатдир. Бу ой кўмак ва ёрдам ойдир. Бу ойда мўминнинг ризқи кўпайтирилади. Бу ойда ким бир рўзадорга ифторлик берса, гуноҳлари мағфират қилинади, дўзах ўтидан ўзини қутқаради ва рўзадорнинг ажридек ажрга эга бўлади. Рўзадорнинг ажридан эса ҳеч нарса камаймайди».

Рамазон ойи ана шундай улуғ ва фазилатли ойдир. Шунинг учун мўмин-мусулмонларимиз бу ойда савобли ишларни кўпайтиришлари зарур. Алҳамдулиллоҳ, истиқлол йиллари мамлакатимизда Куръони қаримни тўла ёд олган қориларимиз кўпайди. Ўтган йиллари бўлганидек, бу йил ҳам деярли барча жомеъ масжидларимизда Куръони қарим хатм қилиниб, юртимизнинг равнақини, элу юрт тинчлигини, ризқ-рўзимиз мўл бўлишини тилаб Аллоҳ таолога илтижолар қилинади. Халқимиз бу ойни Аллоҳни хушнуд этадиган солиҳ ва эзгу ишлар ойига айлантиришлари лозим. Рамазон ойида инсон ўзини таом

ейиш ва ичишдан, бошқа нафсоний ишлардан тийибгина қолмай, кўзини, тилини, қалбини ҳам гуноҳ ишлардан қайтариши керак. Бу ойда, шунингдек, шайтоний амаллардан ҳисобланган исрофдан ўзини асраш талаб этилади. Бу ойда мўминлар меҳр-мурувват кўрсатишда мусобақа қилишлари, бир-бирига ҳар қачонгидан меҳрибон, эътиборли бўлишлари зарур.



Ҳаётимиз кўрки, турмушимиз файзи ўзаро аҳил-иноқликдадир. Бунга эса, аввало, қўшничилик, қариндошлик ҳақ-ҳуқуқларига мукамал риоя қилиш, бир-бирларига ёрдам бериш ва ҳожатларини ҳолис раво қилиш билан эришилади. Жобир ибн Абдуллоҳдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Ким бир мусулмоннинг дунё қайғуларидан бир қайғусини кетказса, Аллоҳ унинг қиёмат кундаги қайғуларидан бирини кетказди. Ким дунёда бир қийналган биродарининг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло унинг қиёматдаги оғирини енгил қилади. Бир банда бир бандага ёрдам қилса, Аллоҳ таоло унга ҳам ёрдам кўрсатади», деганлар (*Имом Термизий ривояти*).

Рамазон ойида беморлар, кексалар ҳолидан хабар олиш, кўнгли ярим инсонларни йўқлаш, болаларга ҳадялар бериш, тансиқ таомларни бир-бирларига илиниш гўзал урф-одатларимиздандир. Бу ойда жаннат эшиклари очилади, жаҳаннам эшиклари қулфланади, шайтонлар кишанланади, яхшиликлар бир неча баробар қилиб берилади, даражалар кўтарилади, камчилик ва гуноҳлар кечерилади.

Рўзадорнинг ифторлик олдидан ёки ифторлик пайтида қилган дуоси қабул бўлиши ҳадисларда айtilган. Мусулмон киши Рамазон ойини дуо, истиғфор билан ўтказиши керак.

Аллоҳ таоло ушбу ойни ва Рамазон ҳайитини барчаларимизга муборак қилсин!

РЎЗА УЛУҒ ИБОДАТДИР

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا
 كُتِبَ عَلٰى الَّذِيْنَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ ﴿۱۸۳﴾
 اَيَّامًا مَّعْدُوْدٰتٍۭ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَّرِيْضًا اَوْ عَلٰى
 سَفَرٍۭ فَعِدَّةٌۭ مِّنْ اَيَّامٍۭ اٰخَرَ وَعَلَى الَّذِيْنَ يُطِيْقُوْنَہُ
 فِدْيَةٌۭ طَعَامُ مَسْكِيْنٍۭ فَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌۭ لَّہٗ
 وَاَنْ تَصُوْمُوْا خَيْرٌۭ لَّكُمْۭۭۭ اِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُوْنَ ﴿۱۸۴﴾
 شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِيْ اُنزِلَ فِيْهِ الْقُرْءَانُ هُدٰى
 لِّلنَّاسِ وَبَيِّنٰتٍۭ مِّنَ الْهُدٰى وَالْفُرْقَانِ فَمَنْ شَهِدَ
 مِنْكُمْ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُۭۭۭ وَمَنْ كَانَ مَرِيْضًا اَوْ عَلٰى
 سَفَرٍۭ فَعِدَّةٌۭ مِّنْ اَيَّامٍۭ اٰخَرَ يُرِيْدُ اللّٰهُ بِكُمْ الْيُسْرَ
 وَلَا يُرِيْدُ بِكُمْ الْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوْا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوْا
 اللّٰهَ عَلٰى مَا هَدٰنَكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُوْنَ ﴿۱۸۵﴾

«Эй мўминлар, тақволи бўлишингиз учун сизларга, сизлардан олдингиларга фарз қилингани каби, рўза фарз қилинди. Санокли кунларда (рўза тутинглар!) Сизлардан ким касал ё сафарда бўлса, (рўза тутолмаган кунларича) бир неча кун бошқа кунлардан (рўза тутсин). Унга (рўза тутишга) қийналадиганларга фидя – мискинни овқатлантириш лозимдир. Ким ошиқча беришни истаса, бу ўзига яхшидир. Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзларингизга яхшидир. (У санокли кунлар) Рамазон ойидирки, унда ҳақни ботилдан ажратишнинг ва тўғри йўлнинг далиллари ва тўғри йўлга бошловчи – Куръон нозил қилингандир. У ойда сизлардан ким ҳозир (муқим) бўлса, рўза тутсин. Ким касал ё мусофир бўлса, (рўза тутмаган кунларича) бир неча кун бошқа кунлардан (рўза тутсин). Аллоҳ таоло сизларга осонликни истайди, қийинчиликни истамайди. Рўза кунлари сонини тўғри қилишингиз, сизларни тўғри йўлга йўллагани учун Аллоҳ таолони улуғлашингиз ва шуқр қилишингиз учун (бу айтилганларни сизларга баён қилди)» (Бақара, 183–185).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
 Абдулазиз МАНСУР
 Абдураззоқ ЮНУС
 Ортиқбек ЮСУПОВ
 Анвар ТУРСУН
 Аҳад ҲАСАНОВ
 Зоҳиджон ИСЛОМОВ
 Абдулҳамид ТУРСУН
 Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ
 Баҳодир КАРИМОВ
 Эркин МАЛИК
 Муҳаммад Шариф ЖУМАН
 Исомилдин ОЛИМОВ
 Абдул Жалил ХУЖАМ
 (Бош муҳаррир ўринбосари)
 Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voriz Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуф САБУРОВ

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи билан Зебунисо
теришти.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
 Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
 Тел: 240-45-62, 227-34-30.
 Интернет сайтими: www.hidoyat.uz
 Интернет почтами: hidoyat_jurnali@mail.ru
 Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
 ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
 Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2010 йил 8 августда рухсат берилди.
 Босмаҳонага 2010 йил 11 августда топширилди.
 Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 36600 нусха.
 1136-сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа
 ҳиссадорлик компаниясида босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
 фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
 ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,

«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Қутлов	
Усмонхон АЛИМОВ	
Фазилатли ой муборак бўлсин!	1
Ишғи нуқта	
Рўза улуг ибодатдир	2
Ҳадис шарҳи	
Абдулазиз МАНСУР	
Муборак дуо	5
Баркамол авлод иши	
Шоҳида АБДУЛЛАЕВА	
«Жўбори Калон» аёл-қизлар	
Ислому ўрга-махсус билим юрти	6
Насихат	
Абдувоҳид ЎРОЗОВ	
Нафси тарбияловчи ибодат	7
Саҳобалар ҳаёти	
Абдураҳмон РАЪФАТ ПОШО	
Собит ибн Қайс	8
Рамазон илҳомлари	
Юнус ЭМРО	
Рамазон ойна, хуш келдинг!	9
Қурбонмурод МИРЗАЕВ	
Рамазон	11
Муносабат	
Усмонхон АЛИМОВ	
Ҳалқимизга хос олижаноблик	12
Муҳаммадназар ҚАЮМОВ	
Дўст оғир кунда синалади	13
Мирзамақсуд АЛИМОВ	
Чумолининг ҳам уйи бузилмасин	13
Аёллар саҳифаси	
Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН	
Она бош тарбиячи	14
Олисларга саҳнат	
Шаҳризод НАСРУЛЛАЕВ, Шерзод ШАРИПОВ	
Аргентина Республикаси	16
Мақтубларда манзаралар	
Гулсал ҚУРБОНОВА	
Меҳрга зор кўнглилар	17
Ёмонликдан қайтарин	
Абдураззоқ ЮНУСОВ	
Гиеҳвандлик вабосидан асрасин	18
Яшилликка чақирин	
Собиржон АРЗИҚУЛОВ	
Қариндошлик ҳақлари	19
Яшилликка чақирин	
Тўхта ҚУРБОН қизи	
Ҳар сония ғанимат	22
Маъхур қорилар	
Фахриддин МУҲАММАДИЕВ	
Муҳаммад Сиддиқ Миншавий	23
Шеърят	
Йўлдош ЭШБЕК	
Тушларимга кирди отам... ..	24
Мустиқилликнинг 19 йиллиги	
Шерали ТУРДИЕВ	
Истиқлол курашчиси	26
Адабий таҳли	
Отабек ЖўРАБОВ	
Уқбо ғамин чеккан шоир	27
Довзарб мавзу	
Абдулҳафиз САЙДУЛЛАЕВ	
Маънавий таҳдиллар	28
Яшилликка чақирин	
Қамариддин ҚАМБАРОВ	
Ҳаёли бўлайлик	29
Ибратли ҳикоялар	
Жалолiddин РУМИЙ	
Қуш овлаётган одам	30
Яшилликка чақирин	
Шарифа МИРЗАҲАМДАМОВА	
Яхши исм зийнатдир	31
Минтақа	
Халил АБДУВОҲИДОВ	
Туманлик ўзбеклар	32

Тафсир

ҚАДР КЕЧАСИНИНГ
ФАЗИЛАТЛАРИ

4

Убай ибн Каъб: “Аллоҳ Абу Абдураҳмон (яъни, Ибн Масъуд)ни мағфират қилсин, чиндан ҳам у Қадр кечаси рамазоннинг охириги ўн кунлигида эканини билар эди. Бу кеча йигирма еттинчи кечадир, лекин одамлар шу нарсага суяниб қолмасликларини хоҳлаб, буни айтмасди”, деди. Сўнгра қатъий қасам ичиб: “Йигирма еттинчи кечада”, деди.

Фикр

Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН

РАМАЗОН ОЙИ РЎЗАСИ

Фитр садақасини бериш рамазон ойи рўзасини тутишга боғлиқ эмас. Агар бирор киши узри сабаб рўза тутолмаса ҳам, фитр садақасини бериши вожиб. Бу садақа фақирларга, муҳтожларга, қарздорга (қарзидан қолган моли нисобга етмаса), мусофирга (ёнида нисоб миқдорича маблағи бўлмаса) берилади. Фитр садақасини диёримизда яшаётган эҳтиёжманд бошқа дин вакилларига ҳам бериш мумкин.

10

Аёллар саҳифаси

Мадинахон ЖўРАЕВА

ҚИЗ БОЛА
БЎЛҒУСИ ОНАДИР

Қиз боланинг тарбияси нозик бўлади. У уйдаги муҳитни теранроқ англайди, отасига ҳам бошқача меҳр-муҳаббатли бўлади. Шу сабабдан ота-онанинг ўзаро муносабати ва иноқлиги унинг ахлоқини белгилаб беради. Ҳар хил жанжаллар, келишмовчиликлар, онанинг отага ҳурматсизлиги, ёлгон гапириши қиз боланинг тоза, нозик қалбини дағаллаштиради. Унинг ахлоқи онасининг феъл-атвориغا мослашади. Келажакда у ҳам онасига ўхшаши табиий.

15

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Миср олимлари руҳсат беришди

Миср олимлари айтишича, агар футболчи шартнома имзолаган, бу шартнома унинг ягона даромад манбаи бўлса, рўза тутиш унинг ўйини сифатига таъсир этишини билса, ўша кун рўзасини бошқа кунга қолдириши мумкин.

21

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ۗ وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ۗ
 لَيْلَةُ الْقَدْرِ حَتَّىٰ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ ۗ تَنْزِيلُ الْمَلَكِ وَالرُّوحِ فِيهَا
 بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِنْ كُلِّ أَمْرٍ ۗ سَلَّمَ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ ۗ

“Биз уни Қадр кечасида туширдик! Қадр кечаси қандай кечалигини Сизга нима билдирди?! Қадр кечаси минг ойдан яхшидир. Парвардигорларининг амри билан ҳар бир иш учун У кечада фаришталар ва Руҳ тушарлар. У кеча то тонг отгунича омонликдир”.

ҚАДР КЕЧАСИ МИНГ ОЙДАН ЯХШИДИР

Таъвил аҳли оятдаги “биз уни туширдик” маъноли муборак жумладаги “у”дан мурод “Қуръони карим”дир, шунингдек, сура охирида зикр қилинган “омонлик” бўлиши ҳам мумкин, дейишади.

Қуръони карим қадр кечасида туширилган, деювчи муфассирлар фикри икки хилдир. Улардан баъзилари Қадр кечасида Қуръони каримнинг ҳамма оятлари Лавҳул Маҳфүздан дунё осмонига туширилган, сўнг Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунё осмонидан эҳтиёжга қараб, амр ва қайтариқ, ҳалол ва ҳаром, ваъз-насиҳат йигирма уч йил давомида бўлиб-бўлиб туширилган дейишса, баъзилари у кечада Қуръони карим оятларининг бир йилга зарур миқдори дунё осмонига туширилган, сўнг эса Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етказиб турилган, дейишади.

Абу Лайс Самарқандий тафсирида бундай ёзади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Инсонларнинг амалларини кўряпман”, дедилар. Гўё у зотга умматларининг умрлари қисқа, шу сабабли уларнинг амаллари олдин ўтган пайғамбарлар умматларининг амаллари даражасига етмаётгандек туюлди. Шу боис Аллоҳ таоло у зот ва умматларига Қадр кечасини берди».

“Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир”, яъни, қадр кечасида қилинган амал минг ойда қилинган амалдан яхшироқдир. Оятда “минг ой” жумласи маълум вақт ҳажмини кўрсатиш учун эмас, мисол тарзида келган бўлиши мумкин. Яъни, Қадр кечаси минг ой ва ундан кўп муддатдан ҳам яхшидир, деган маънони ҳам билдиради. Чунки бирор миқдор гоҳо айнан ўша аадани баён



қилиш учун гоҳо у боғланган нарсанинг шарафи ва улуғлигини баён қилиш келтирилади. Бу ҳолда мақсад айнан ўша миқдор билан чекланиш бўлмайди.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Рамазон ойи келганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Сизларга рамазон ойи — муборак ой келди. Аллоҳ таоло сизларга бу ой давомида рўза тутишни фарз қилди. Бу ойда жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади ва шайтонлар кишанланади. Унда минг ойдан яхши бир кеча бор. Унинг яхшиликларидан маҳрум

бўлган бахтсиздир”» (Имом Аҳмад ва Насаий ривояти).

Имом Бухорий ва Имом Муслим “Саҳиҳ”ларида Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Ким Қадр кечасида имон-этиқод билан Аллоҳ таоло розилиги учун тоат-ибодат қилса, олдинги гуноҳлари кечирилади».

Қадр кечасида Аллоҳ таолонинг амри билан фаришталар ҳар бир осмондан ва “Сидратул мунтаҳо”дан (яъни, Жаброил (алайҳиссалом) масканидан) ерга тушишади, тонг отгунича инсонларни дуо қилишади ва дуо қилганларга қўшилиб, “Омин” деб туришади.

Баъзи муфассирлар оятдаги “Руҳ”дан мурод Жаброил (алайҳиссалом) деган бўлишса, баъзилари уни “раҳмат”, яъни, фаришталар бу кечада раҳмат билан тушадилар, деб тафсир қилишган.

Қадр кечаси тонг отгунига қадар турли офатлар ва балолардан омонлик кечасидир. Бу кечада шайтон ёмонлик қила олмайди.

Айрим муфассирлар ояти каримадаги “салом”дан му-
род фаришталарнинг бу кечада ҳар бир мўминга сало-
мидир, дейишган.

Қадр кечаси бошдан-охир фақат саломатлик, омон-
лик, яхшилик ва баракот билан тўладир, унда ёмонлик
йўқдир. Куёш ботганидан тонг отгунича бу ҳол давом
этади. Тонг отгунича фаришталар гуруҳ-гуруҳ бўлиб,
раҳмат билан ерга тушишади.

Қадр кечаси рамазон ойининг қайси кечаси?

Имом Насафий тафсирида, Абу Ҳанифа (раҳматул-
лоҳи алайҳи) Осимдан (розийаллоҳу анху), у киши
Зиррдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилишича, Убай
ибн Каъб Қадр кечаси рамазоннинг йигирма еттинчи
кечаси эканига қасам ичгани ва жумҳур уламолар бунга
иттифоқ қилишгани келтирилади.

Кўп уламолар фикрига кўра, Қадр кечаси рамазон
ойининг йигирма еттинчи кечасидир. Имом Муслим ва
Термизий Зирр ибн Ҳубайшдан ривоят қилган ҳасан
саҳиҳ ҳадис бунинг далилидир. «Зирр (розийаллоҳу анху)
Убай ибн Каъбга (розийаллоҳу анху): “Биродарингиз
Абдуллоҳ ибн Масъуд: “Ким бир йил қоим бўлса, Қадр
кечасини топади”, деб айтган”, деганида, Убай ибн
Каъб: “Аллоҳ Абу Абдураҳмон (яъни, Ибн Масъуд)ни
мағфират қилсин, чиндан ҳам у Қадр кечаси рамазон-
нинг охириги ўн кунлигида эканини билар эди. Бу кеча
йигирма еттинчи кечадир, лекин одамлар шу нарсага
суяниб қолмасликларини хоҳлаб, буни айтмасди”, деди.
Сўнгра қатъий қасам ичиб: “Йигирма еттинчи кечада”,
деди. Шунда мен: “Эй Абу Мунзир, қандай далил би-
лан бундай дейсан?” деб сўрадим. У: “Расулуллоҳ (сол-
лаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга айтган белги билан: у
кун куёш шуъласиз чиқади”, деб жавоб берди».


Қадр кечасининг аломатлари

Қадр кечасининг аломатларидан бири ўша куни куёш-
нинг шуъласиз, оқариб чиқишидир. Абу Довуд Тайоли-
сий Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилади:
«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қадр кеча-
си ҳақида: “У кеча иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмайди. Куёш
ўша куни оч қизғиш ҳолатда чиқади”, дедилар».

Ибн Абу Осим Набил Жобир ибн Абдуллоҳдан ри-
воят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-
лам): “Мен Қадр кечасини билдим. Сўнг у менга унут-
тирилди. У рамазон ойининг охириги ўн кунлигидаги кеча-
ларидан биридир. У кеча очиқ, ярқираган бўлиб, иссиқ
ҳам, совуқ ҳам эмас. Гўё ойи бор кечага ўхшайди. У кеча
тонг отгунича шайтонлар чиқмайди”, дедилар».

Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот аҳл ас-сунна”,
Абу Лайс Самарқандийнинг “Тафсиру баҳрул улум”, Абул
Баракот Насафийнинг “Тафсиру ан-Насафий”, Ваҳба
Зухайлийнинг “Тафсиру мунир...” тафсиллари асосида
Тошкент Ислоҳ университети магистранти

Бадриддин РАҲИМОВ
тайёрлади.



МУБОРАК ДУО

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-
лам) рўзаларини очиб, бу муборак дуо-
ни ўқирдилар: “Ё Аллоҳ, Сен учун рўза
тутдим, берган ризқин билан ифтор қил-
дим. Ибодатимни қабул эт. Сен ҳамма нар-
сани эшитувчи ва билувчисан”.

Шарҳ:

Бу дуо ҳазрат Расулуллоҳнинг (соллал-
лоҳу алайҳи ва саллам) амакилари Ибн Аб-
босдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилин-
ган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-
лам) доимо “Бисмиллаҳ...” деб рўзала-
рини очар, сўнгра шу муборак дуони ўқир
эдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва
саллам) бу муборак дуоларида рўзалари-
ни қабул этишини сўраб Аллоҳ таолога
илтижо этишлари билан бирга биз ум-
матларига рўзани фақат Аллоҳ таоло ро-
зилиги учун тутиш лозимлигини, ризқ-
ни Аллоҳ беришини, ҳар нарса Аллоҳ та-
олонинг хоҳиш-иродаси билан бўлиши-
ни, Аллоҳ таолодан рўзамизни қабул эти-
шини сўрашимиз кераклигини таълим
берганлар. Аллоҳ таоло бандаларнинг бар-
ча сўзларини эшитувчи, бутун амаллари-
ни билувчи Зотдир. Бу муборак дуо рўза
тутган кишининг ифторликда Раббига
муножоти ва илтижо этишининг энг гўзал
намунасидир.

Назм:

Доим тут ўзинга рўзанинг меҳнатини
Ким, руҳга еткурур сафо давлатини.
Сихҳат тиласанг, қилғил анинг ниятини
Ким, рўзада қўйдилар сихҳатини.

(Алишер Навоий)

Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ўринбосари

“ЖҲЙБОРИ КАЛОН” АЁЛ-ҚИЗЛАР ИСЛОМ ЎРТА- МАХСУС БИЛИМ ЮРТИ

“Жўйбори Калон” мадрасаси Субҳонкулихон даврида милодий 1670 – 71-йиллари қурилган. Қурилишга Хожа Саъдиддин ибн Хожа Ислоннинг невараси Хожа Абдурахим Жўйборнинг қизи Ойпошша биби ҳомийлик қилади. Ойпошша биби солиҳа аёл эди.

Мадрасанинг баланд пештоқли эшиги жануб томонга очилади. Бинонинг йигирма битта ҳужраси бор. Ҳашаматли пештоқ ичидаги дарвоза орқали ўртасаройга, чап қўлдан масжидга ўтилади. Дарвоза рўпарасида кичкина ҳовуз бор, унинг ёнида эса минора бўлган. Бу бинога советлар даврида кўп талофат етди. Ҳовуз ёнидаги минора ҳам бузиб ташланди. Илм маскани биноси молхона, новвойхона, кейинчалик шиша идишлар қабул қиладиган жойга айлантирилди.

Истиклолнинг иккинчи йили мадраса биноси тўла қайта таъмирланиб, Ўзбекистон муслмонлари идораси тасарруфига ўтказилди. Бу ерда “Жўйбори Калон” аёл-қизлар Ислон ўрта-махсус билим юрти ташкил этилди. Мадрасада ўрта маълумотли мутахассислар, одобнома ва араб тили мударрисалари тайёрланади.

Ҳозир билим юртида Қуръони карим, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид, сарф, наҳв, мутолаа каби диний илмлар билан бир қаторда ўзбек тили ва адабиёти, тарих, жуғрофия, инглиз тили, физика, математика, астрономия, хаттотлик ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ўқитилади. Бундан ташқари, пазандалик, бичиш-тикиш, зардўзлик каби ҳунарлардан сабоқ берилади.

Мадраса икки мингта дарслик, бир минг икки юзта бадий китоб, уч юзта услубий қўлланма тўпланган кутубхонага ҳамда замонавий ошхона, кенг ва ёруғ та-

лабалар турар жойига эга. Ахборот-ресурс маркази, маънавият ва маърифат зали, компютер хоналари талабаларнинг билим-малакаларини оширишга хизмат қиляпти.

Ҳозир “Баркамол авлод йили” дастурига биноан мадраса биноси ёнига соғломлаштириш майдончаси қурилмоқда.

Билим юрти талабаларига йигирмага яқин олий маълумотли устоз таълим-тарбия беради. Ойшахон Қодирова, Мавжуда Фуломова, Маҳбуба Бозорова ва бошқалар ибратли, тажрибали мударрисаларимиздир.

Билим юрти устозларининг асосий мақсади имон-этиқоди бутун, аждодларимиз маънавий меъросини чуқур ўрганган, халқимизга, Ватанимизга, миллий қадриятларимизга садоқатли, юксак билим ва малакага эга етук мутахассисларни тайёрлашдир.


Шоҳида АБДУЛЛАЕВА,
“Жўйбори Калон” аёл-қизлар Ислон ўрта-махсус билим юрти мудираси

Яхши ўқишимиз шарт

Ирода Ҳақназарова, учинчи босқич талабаси:

Билим юртида ўрганаётганларим бутун умр давомида менга тиргак бўлади. Мударрисаларнинг самимийлиги, талабчанлиги бизларни яхшилик учун гайратли бўлишга ундайди. Устозларимга ҳавас қилиб, келажакда илмли, хулқи чиройли ёшларни тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли касбни эгаллашни ният қилдим. Бу ниятга етиш учун яхши ўқишим шарт.

Мадрасамиз биноси миллий меъморий услубда қурилган бўлса-да, хоналар замона-





вий жиҳозланган. Билим олишимиз учун шароитлар етарли. Шу сабабли дугоналаримда ўқиш-ўрганишга чинакам рағбатни кўриб, қувонаман.

Устозларни соғинаман

Муаттар Муҳаммедова, битирувчи: Мен 2010 йилги ягона олимпиада танловининг якуний босқичида ғолиб бўлдим. Албатта, бу ютуққа эришувимда устозларимнинг меҳнатлари катта.

Биз ёшлар бугунги ахборот асрида ҳар томонлама билимли бўлиш ҳаётий эҳтиёж эканини англашимиз керак. Ёшларнинг илм-фан ўрганишлари, касбхунар эгаллашлари учун давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрликнинг қадрига етишимиз лозим. Мадрасани битирган бўлсамда, тез-тез келиб тураман. Чунки бу даргоҳга ўрганиб қолганман, ҳар ишда устозлар билан маслаҳатлашгим келади.



Бу дунё ишларини фақат ебичиш ва кўнгли тусанган ишни қилишдан иборат деб ўйлаш катта хатодир. Нафсига учган одам шундай ўйлаши табиий. Аллоҳ таолонинг амрига бўйсуниб, меърида ейиш, ухлаш, мўминга хос фазилат. Рамазон рўзаси нафсни тарбияловчи ибодатдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Рамазон ойининг илк ке-

қилишга ўргатади. Очликни бошдан ўтказганларнинг қийинчиликларга сабр-бардошлари ортади. Маишатда юрган одам эса, ҳаётда озгина қийналса, талвасага тушиб, ўзини йўқотади”, деганлар.

Рўза кишини фойдасиз сўзлашдан ва одобсизлик қилишдан тўсиб туради. Донишмандлар айтишича, йилда бир

НАФСНИ ТАРБИЯЛОВЧИ ИБОДАТ

часи кириши билан, шайтонлар ва зарар берувчи жинлар кишанланади. Дўзах эшиклари ёпилади. Улардан биронтаси очилмайди. Жаннат эшиклари очилади. Улардан биронтаси ёпилмайди. Бир нидо қилувчи: “Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!” дейди. Аллоҳ таолонинг дўзахдан озод қилинган (бандалари)лари бўлади. Ҳар кеча шундай бўлади”, деганлар (*Имом Термизий*). Ҳадисни шарҳлаган уламолар рамазон ойи ҳурматидан кишиларни васваса қилувчи шайтонларнинг ва озор берувчи жинларнинг ёмонлиги тўхташини, ушбу ойда рўза тутган ҳолида вафот этган киши Аллоҳ таолонинг мағфиратига эришишини, жаҳаннам эшиклари ёпилишини айтишган.

Бошқа бир ҳадисда “Рўза сабрнинг ярми” (*Термизий ривояти*), дейилган. Рўза тутганлар сабрбардошли, қаноатли бўлишади. Имом Фаззолий: “Очлик қалбдаги губорларни ювади ва такаббурлик, манманлик каби иллатларни кетказди. Аллоҳнинг азобини эсга туширади, гуноҳ амалларга мойил бўлишнинг олдини олади, уйқуни камайтиришга, бедорликка чорлайди, шукр



ой рўза тутиш қалбда ҳикмат ва муҳаббат уруғларини ундиради. Шайх Шиблий (Аллоҳ раҳмат қилсин): “Аллоҳ учун бир кун рўза тутиб, қалбимда ҳикмат ва ибрат эшиклари очилганини сездим”, деганлар. Инсон нафсининг истаклари довул сингаридир, уни пасайтирувчи омиллар орасида очликка тенг келадигани йўқ. Нафсини семиртирган кишининг кибри ошиб, ҳасади ва манманлиги кўпаяди. Рамазон ойида очлик ва ташналикка кўникиш қийин кечиши мумкин. Бироқ озгина риёзат туфайли улкан ажр-савобларга эришилади.

Абдувоҳид ЎРОЗОВ

СОБИТ ИБН ҚАЙС

Собит ибн Қайс Ансорий (Аллоҳ ундан рози бўлсин) Ҳазраж қабиласи улугларидан, Ясрибнинг таниқли кишиси эди. Табиатан зукко, ақлли ва сўзамол киши Собит ибн Қайс баҳсларда голиб чиқар, одамлар ҳузурда сўзласа, уларга кучли таъсир ўтказар эди.

У Ясрибда биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилди. Маккалик Мусъаб ибн Умайр Қуръони карим оятларини ёқимли овозда қироат қилганида Собит лол бўлиб эшитди. Аллоҳнинг Китоби унинг қалбини эгаллади, у оятлардаги ҳақ ҳукмлар моҳиятини англаб етди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккадан Ясрибга келганларида Собит ибн Қайс у зот шарафларига қабул маросими уюштирди: қабиласининг энг сара чавандозлари билан бирга олдиларига чиқиб кучоқ очиб кутиб олди, Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) ва у зотнинг ҳамроҳлари Абу Бакр Сиддиқни Ясрибга эсон-омон етиб келишгани билан қутлади. У Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) тўлқинлантирувчи нутқ билан мурожаат қилди, Аллоҳ таолога ҳамд айтиб улуглади, Унинг пайғамбарига салом ва табриклар йўллади.

Шу кундан бошлаб Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Ҳассон ибн Собитни шоирлари қилиб олганларидай, Собит ибн Қайсни воиз этиб тайинладилар. Ясрибга турли араб қабиаларидан ваъз ва шеър баҳси ўтказиш учун энг яхши воизлар, шоирлар келишганида улар ҳузурига нотик Собит ибн Қайсни ва шоир Ҳассон ибн Собитни юборар эдилар.

* * *

Собит ибн Қайс (Аллоҳ ундан рози бўлсин) имон-эътиқоди мустаҳкам киши эди. У Парвардигорга катта ихлос билан тоат-ибодат қилар, Аллоҳ таоло ғазабини келтирадиган гуноҳ ишлардан четда бўлишарди.


Бир куни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Собитни қаттиқ қайғуга чўмган, кўрқувдан дир-дир титраётган ҳолда учратиб қолдилар.

– Сенга нима бўлди, Абу Муҳаммад? – деб сўрадилар.

– Имон-эътиқодимга путур етди, деб кўрқяпман, эй Аллоҳнинг элчиси, – деб жавоб қилди Собит.

– Нега бунақа дейсан?

– Буюк Аллоҳ таоло бизларни ўзимизда бўлмаган нарсалар билан фахрланиш ва мақ-



танишдан қайтарган, лекин менда шундай иллат борлигини сезиб қолдим... Аллоҳ таоло бизларни кибр ва мағрурланишдан қайтарган, аммо менда ана шулар борга ўхшайпти...

* * *

Бир куни Аллоҳ таолонинг ушбу ояти каримаси нозил бўлди: **«Эй имон келтирганлар, амалларинг ўзларинг сезмаган ҳолларингда зое бўлиб кетмаслиги учун овозларингни Пайғамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва бир-бирларингга дағал сўз қилгандек унга баланд овозда гапирманглар!»** (Хужурот, 2).

Бу ояти карима тушганидан кейин Собит ибн Қайс (Аллоҳ ундан рози бўлсин) жуда яхши кўришига қарамай, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) суҳбатларидан ўзини тортди. У кўп вақтини уйида ўтказарди. Бу ҳолни сезган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни:

– Ким Собитнинг ҳолидан хабар олиб, унга нима бўлганини билиб келади? – дедилар.

Ансорлардан бири:

– Буни мен қиламан, эй Аллоҳнинг элчиси, – деди.

Ансорий Собитнинг уйига бориб, уни ғамга ботган, қайғули бир ҳолатда кўрди.

– Сенга нима бўлди, Абу Муҳаммад? – деб сўради у.

– Ҳаммаси тамом бўлди, – деди Собит.

– Нима гап?

– Менинг овозим жуда баландлигини, кўпинча Расулulloҳ (алайҳиссалом) овозларидан ҳам кўтариб сўзлашимни яхши биласан... Қуръони каримнинг ўша оятлари тушди, демак, барча амалларим зое кетди...

Собит ҳузуридан қайтиб келган элчи кўрган-эшитганларини Пайғамбарга (алайҳиссалом) гапириб берди. Шунда Расули акрам ансорийга:

– Ҳозир бориб Собитга: «Сен дўзахий бўлмас экансан, чунки жаннатга муносиб кўрилган экансан», деб айт, – дея буюрдилар.

Бу ниҳоятда қувончли хабар бўлди. Собит ибн Қайс ўзи муносиб кўрилган ана шу олий мартабага эришиш йўлида умр бўйи тинмай ҳаракат қилди ва умрини эзгулик ва яхшиликка бағишлади.

Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлади.

Юнус ЭМРО

Рамазон ойи, хуш келдинг!

Муштоқ кутган, софинганим,
Рамазон ойи, хуш келдинг!
Кўнглим чоғдир, яйрар таним,
Рамазон ойи, хуш келдинг!
Муборак ой, кел, марҳабо!

Сафо келдинг иззат билан,
Неча азиз неъмат билан,
Мўминларга раҳмат билан,
Рамазон ойи, хуш келдинг!
Муборак ой, кел, марҳабо!

Мўминларнинг давронисан,
Ўн бир ойнинг султонисан,
Ҳақнинг бизга фармонисан,
Рамазон ойи, хуш келдинг!
Муборак ой, кел, марҳабо!

Сенда нузул этди сура,
Боис бўлдинг кўп сурура,
Фарқ айладинг бизни нура,
Рамазон ойи, хуш келдинг!
Муборак ой, кел, марҳабо!

Дарвеш Юнус сўйлар ўздан,
Софинч ёши икки кўзда,
Хушнуд бўлгин жумламиздан,
Рамазон ойи, хуш келдинг!
Муборак ой, кел, марҳабо!

Абдумурод ТИЛАВ
таржимаси





Рўза кун давомида (тонг отганидан қуёш ботгунича) еб-ичишдан ва жинсий алоқадан тийишлишдир. Яна у қалб ибодати ҳамдир. Уни комил тутиш учун рўзадор нафақат еб-ичиш, балки ёмон сўзлар айтиш, гийбат қилиш кабилардан ҳам сақланиши керак.

РАМАЗОН ОЙИ РЎЗАСИ

РЎЗА ТУРЛАРИ

- Рўза қуйидаги турларга бўлинади;
- муайян вақтда тутиш фарз бўлган рўза (рамазон ойи рўзаси);
 - исталган вақтда адоси фарз бўлган рўза (рамазон рўзасини тутолмаган кунлар қазоси);
 - муайян кунда тутиш вожиб бўлган рўза (кунини атаб, ўзига рўза тутишни назр қилган кишига);
 - ҳар бир мўмин тутиш ё тутмасликда ихтиёрли бўлган рўза (нафл);
 - тутилиши ҳаром бўлган рўза (икки ҳайит, ташриқ кунлари);
 - тутилиши макруҳ бўлган рўза (йил давомида узлуксиз рўза тутиш).

* * *

Динимизнинг беш рукнидан бири бўлган рамазон ойи рўзасини тутиш ҳижрий иккинчи йили фарз қилинди.

Рамазон ойида рўза тутиш балоғатга етган, ақли расо мусулмонга фарздир.

Ҳайз ва нифосда бўлган аёл, мусофир ва оғирлашиб қолишидан қўрққан касал, ҳомилдор ё эмизикли аёл (ўзи ёки боласига зарар етишидан қўрқса) рўза тутмайди. Улар бу саналган узрлари кетгач, рамазон ойида рўза тутмаган кунлари қазосини сўнг тутиб беради. Рўза тутишга қуввати етмайдиган



кексалар рамазон ойининг ҳар бир куни учун фитр садақаси миқдорида фидя беришади.

ТАРОВЕҲ НАМОЗИ

Рамазон ойи давомида хуфтон намозидан кейин таровеҳ намози ўқилади. Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) таровеҳ намози ҳақида бундай деганлар: “Ким рамазон кечалари туриб, тоат-ибодат қилиш суннатлигига ишониб, савоб умид этиб, ибодат қилса, олдинги гуноҳлари кечирилади” (Абу Ҳурайра).

Таровеҳ намози йигирма ракатдир, ҳар икки ракатда салом берилади. Ҳар икки саломдан сўнг дам олинади. Дам олишда бизнинг диёрларимизда тасбеҳ айтиш ихтиёр қилинган.

Таровеҳ намози давомида Қуръони каримни бир бор хатм қилиш суннатдир. Қуръони каримни тўла ёд билмаган кишиларга Фотиҳа сурасини, кейин Фил сурасидан бошлаб кичик сураларни қўшиб ўқиш тавсия этилган.

Фақат рамазон ойидагина витр намози таровеҳ намозидан сўнг жамоат билан ўқилади. Аммо “Кунут дуоси”ни имом ҳам, қавм ҳам ичида ўқийди.



ФИТР САДАҚАСИ

Фитр садақаси динимиз буюрган молиявий ибодатлардан биридир. Фитр садақаси ҳар йили бир марта рамазон ойида адо этилади.

Фитр садақасини бериш рамазон ойи рўзасини тутишга боғлиқ эмас. Агар бирор киши узри сабаб рўза тутолмаса ҳам, фитр садақасини бериши вожиб. Бу садақа фақирларга, муҳтожларга, қарздорга (қарздан қолган моли нисобга етмаса), мусофирга (ёнида нисоб миқдорича маблағи бўлмаса)



берилади. Фитр садақасини диёримизда яшаётган эҳтиёжманд бошқа дин вакиллари ҳам бериш мумкин.

Фитр садақаси рамазон ҳайитининг тонгида зиммага вожиб бўлади. Лекин фитр садақасини рамазон ойи кириши билан бериш мумкин. Ким рамазон ойи тугагунича фитр садақасини бермаса, сўнг қазосини адо этиши лозим.

РАМАЗОН ҲАЙИТИ

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар:

«Рамазон ҳайити куни фаришталар йўлларнинг бошида туриб: «Эй мўмин-мусулмонлар, яхшиликка беҳисоб яхшилик инъом этувчи карамли Парвардигорингиз сизларга кечалари тоат-ибодат қилишни буюрди, кечалари ибодат қилдингиз! Кундузлари рўза тутишни буюрди, рўза тутдингиз! Яратганга итоат қилдингиз! Муқофотларингизни олинг!» дейишади. Улар ҳайит намозини ўқиб бўлишгач, нидо қилувчи бундай дейди: «Парвардигор сизларнинг гуноҳларингизни кечирди. Ҳидоят топганингиз ҳолда уйлариңгизга қайтинг!»» (Табароний).

Ҳайит куни Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига зиёфат кунидир. Шунинг учун бу кун байрам ҳисобланади. Ҳайит сабаб қариндош ва яқинлар орасидаги меҳр-муҳаббат иплари мустаҳкамланади, кишилар бир-бирларига яхшилик қилишга, ёрдам кўрсатишга шошилади. Ҳайит куни таъзияхонлик қилиб, уйма-уй юриш, бу кунни байрам ўрнига мотам кунларига айлантириш асло мумкин эмас. Ҳайит қувончлари ҳар бир хонадонга кириб бориши учун айнан шу кунлари фитр

садақасини бериш вожиб бўлади.

Рўза ҳайити рамазон ойида инсонлар эришган ажрлар байрамидир. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳайит намозига чиқишдан олдин ширинлик ер эдилар, энг яхши кийимларини кийиб, ўзларига хушбўй сурардилар.

Ҳайит куни очиқ чехрали бўлиш, етим-есирларга саховат кўрсатиш, болаларга ҳада бериш, кексаларни, беморларни зиёрат қилиш мустаҳабдир. Динимиз бизни чиройли хулқли бўлишга буюради. Гўзал хулқларимиз ҳар доим, хусусан, байрам кунлари намоён бўлсин.

Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН



Қурбонмурод МИРЗАЕВ

Рамазон

Рамазон рўзаси эл-юртга байрам,
Кўнгил тинч, аъзолар бари олар дам.
Кўзлар тўқ, заҳмат йўқ, шикоят тинган,
Аслига қайтгандек бўлади одам.

Уйқудан уйғониб саҳар чоғида,
Ҳамма шод — гўёки равза боғида,
Баҳраманд бўлади неъматлардан эл
Ва эзгу ишларга боғлаб турар бел!

Ажаб, рамазон ҳам ёзда келарми,
Ташналик забтига чидаб бўларми?
Чидаса бўлади қалбни покласак,
Имонни мустаҳкам, бутун сақласак.

Кўпларга табибдир Рамазон ойи,
Нинасиз, дорисиз даволар танни.
Сабр-қаноатга, меҳр-шафқатга —
Савобга тўлдирар она Ватанни.

Қамаши тумани
Азлартепа қишлоғи

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий

ХАЛҚИМИЗГА ХОС ОЛИЖАНОБЛИК

Куръони каримда: **«Эсланг, сизлардан: “Бир-бирингизнинг қонингизни тўкмай-сиз, бир-бирингизни юртингиздан ҳайдамай-сиз”, деган аҳдни олган эдик...»** (Бақара, 84) деб марҳамат қилинган. Ушбу оятда Аллоҳ таоло инсонларни турли фитналардан, зулмдан сақланишга, тинчлик йўлида доимо бир тан-бир жон бўлиб яшашга чақиради.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Икки неъмат бор, кўп инсонлар қадрига етмайди. Булар тинчлик-осойишталик ва соғлик-саломатликдир”, деганлар.

Жорий йилнинг 11–15 июн кунлари қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларида бир гуруҳ босқинчи манқурт тўда содир этган қотиллик ва зўравонликлар барчамизнинг қалбимизни ларзага солди. Четдан туриб бошқарилган бу хунрезликдан мақсад неча минг йиллардан бери бир ариқдан сув ичган, қуда-анда бўлиб, тинч-тотув яшаб келган икки қўшни халқ орасига совуқлик тушириб, минтақамизда уруш оловини ёқиш эди. Яратганга чексиз шукрлар бўлсин, жоғи ёйилиб кетишининг олди олинди.

Бу синовлар халқимизнинг сабр-бардошли, бағрикенг халқ эканини яна бир бор исботлади. Зўравонлик оқибатида ўз уйларини ташлаб чиқишга мажбур бўлган минглаб оила юртимиздан бошпана топди. Улар учун Андижон вилоятининг Қирғизистон билан чега-радош туманларида вақтинча яшаш жойлари ташкил этилди. Жабрланганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ғаразсиз ёрдам учун махсус ҳисоб рақами очилди. Ушбу ҳисоб рақамига корхоналар, ташкилотлар ва аҳолидан уч миллиард сўмдан ортиқ пул келиб тушди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам талофат кўрган қўшни юрт фуқароларига беш миллион тўрт юз минг сўм ёрдам пули ажратди. Яна қиймати ўн икки миллион сўмдан ортиқ озиқ-овқат, дори-дармон, кўрпа-тўшак, болалар учун кийим-кечак ва зарурий буюмлар еттита юк машинасида тегишли манзил-



ларга етказиб берилди. Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшаб турган жабрланувчиларга кўрсатилган ёрдамнинг умумий қиймати тўрт миллиард ўттиз тўрт миллион тўрт юз ўн икки минг сўмдан ошди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, тиббиёт ходимлари, маҳалла оқсоқоллари билан бирга ана шу жойларда бўлиб, оғир мусибатни бошидан кечирган, яқинларидан, уй-жойидан, мол-мулкидан айрилган инсонларга қўлларидан келганича таскин бердилар, уларнинг ўқсик кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилдилар. Сафарларимиз давомида бизни бир воқеа қаттиқ ҳаяжонга солди. Чамаси беш ёшли бола кичкина идишдаги тоза сувни аранг кўтариб, меҳмонлар чодири томон келарди. Бу мурғак бола бўлиб ўтган воқеаларни тушуниб-тушунмай, пок қалби амри билан янги кўчиб келган қўшниларига яхшилик қилишга интиларди. Болакайни кузатиб, беихтиёр кўларимизга ёш келди. Қўшнисининг бошига оғир кун тушганида қараб турмай, дардига шерик бўлиб, еб турган нонини ҳам чорасизларга илиниш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат эканига яна бир бор амин бўлдик.

Ёмон кунлар ордда қолди. Ўзбекистон худу-

ДЎСТ ОФИР КУНДА СИНАЛАДИ

дида вақтинча яшаб турган жабрдийдаларнинг деярли барчаси Қирғизистонга қайтди. Бугун бутун дунё аҳли Марказий Осиёда қонли тўқнашувларнинг олдини олишда муҳтарам Юртбошимизнинг хизматлари катта эканини тан олмоқда. Бундай эътирофни машхур арбоблар, бетараф кузатувчилар билдирган фикрлардан ҳам англаса бўлади. Мисол учун, Кембриж университети профессори, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси Сидхарт Саксена бундай ёзади: “Бундай мусибатли дамларда Ўзбекистон халқи ўзининг метин иродасини намоён қилди. Сизнинг тезкор ҳаракат қилиш ва шу қадар кўп одамларга зудлик билан зарур ёрдам кўрсатишни таъминлаш борасидаги қарорингиз улкан тарихий воқеа бўлди. Сиз ва Ўзбекистон халқи билан ҳамкорлик бизга катта фахр-ифтихор бағишлайди. Сиз Ўзбекистон минтақада барқарорлик маёғи эканини, теранлик, донолик ва вазминлик билан мушоҳада юритишни яна бир бор намоён этдингиз. Сиз куч-ғайратингиз ва имкониятларингизни жабрдийдаларга ёрдам кўрсатишга сафарбар қилдингиз. Том маънодаги йўлбошчиликнинг асл моҳияти мана шундан иборат. Биз умид қиламизки, Сизнинг бундай фазилатингиз бутун дунё мамлакатлари раҳбарларига ўрнак бўлади”.

Аллоҳ таоло: **“Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилинганлар, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилманглар! Аллоҳдан кўрқинганлар! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир”**, деб марҳамат қилган. Дарҳақиқат, эзгулик ва тинчлик йўлида барча халқлар ҳар қандай адоват ва гуноҳ ишларнинг олдини олиш, жаҳолатнинг илдизини қирқиш учун ҳамкор-ҳамфикр бўлиб, куч ва имкониятларини сафарбар этишлари керак. Бўлиб ўтган фожиадан керакли хулосалар чиқариб, бугунги тинч-омон кунларимизнинг қадрига етишимиз, тинчлигимизни хавф-хатардан ҳимоя қилишимиз зарур.

Ўзбекистон ҳудудида вақтинча яшаб турганлар билан суҳбатлашганимизда улар ёрдам ва ғамхўрлик кўрсатган ўзбекистонликлардан жуда миннатдор эканларини айтишди. Шу ўринда табиий савол туғилади — қотилликларни содир этган босқинчи тўдаларни бошқариб, маблағ ва қурол билан таъминлаган ва тинч аҳолига қарши қайраган у қабих кучлар ким экан?!

Мамлакатимиз раҳбари Бухоро вилоятига қилган сафари чоғида ушбу воқеаларга муносабат билдириб: “Бу хунрезликни амалга оширганлар — улар ташкилотчилар бўладими, ижрочилар бўладими — барча жиноятчиларга жазо му-

қаррар”, деб қатъият билан айтган сўзлари нафақат уларнинг саволларига муносиб жавоб, балки қанчадан-қанча кемтик кўнгилларга далда бўлди...

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги масжидлар жамоалари ҳам бу фожиаларга томошабин бўлиб қараб туришмади. Улар юртимизда вақтинча яшаб турганларга умумий қиймати бир юз эллик миллион сўмдан ортиқ озик-овқат ва зарурий буюмлар етказиб беришди. Дўст офир кунда синалади, ахир.

Муҳаммадназар ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлар бўлими мудири

ЧУМОЛИНИНГ ҲАМ УЙИ БУЗИЛМАСИН

Қирғизистонда бўлиб ўтган бу фожиалар барчамизнинг кўзимизни очди. Тинчлик-омонлик улуғ неъмат ва унинг қадрига етиш қанчалик муҳим эканини яна бир бор англадик. Жалолқудуқ тумани Қирғизистоннинг Ўш вилояти билан чегарадош. Ўн биринчи июн куни зўравонликдан жабрланганлар биз томонга қочиб ўтишди. Уларга вақтинча турар жойлар тайёрланганунича, қишлоғимиз аҳли меҳр-мурувватини аямасди. Кўплар ҳатто ўзлари фойдаланиб турган кўрпа-тўшак, гилам ва бошқа зарурий буюмларини ҳам қочоқларга чиқариб берди.

Ўзбек ва қирғиз халқи ўртасида низо чиқса, ғаламисларнинг тегирмонига сув куйилиши аниқ эди. Аммо икки халқ орасини бузмоқчи бўлганлар ниятига етишолмади. Ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамласак, баъзи қора кучларга муносиб зарба берган бўламиз. Аҳиллик бор жойда барака бўлади. “Чумолининг ҳам уйи бузилмасин”, дейди халқимиз. Жон қўшниларимизнинг бошидан ташвишлари аригани рост бўлсин.

Мирзамақсуд АЛИМОВ,
Жалолқудуқ тумани бош имом-хатиби

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

ОНА БОШ ТАРБИЯЧИ

Барча инсонларни оналар дунёга келтиришади. Буни яхши биламиз. Яна биламизки, фарзандларнинг бири яхши, бири бошқача, бири одобли, бири одобсиз, бири билимли ва бири билимсиз. Уларнинг бундай бўлишида оналарнинг ўрни каттадир.

Тарбиячи оналар фақат ўз болаларига эмас, балки барча ён-атрофидагилар учун ҳам ҳурматли оналардир. Уларнинг хизмати жуда оғир ва машаққатлидир.

Зукко она фарзандига яхши одоб беради. Фарзандни Аллоҳ таолонинг омонати билиб, яхши тарбиялаш учун жону тани билан ҳаракат қилади. Бола тарбиясини энг гўзал, энг шарафли вазифа санаб, ажрини Аллоҳдан кутади. Бу ишни улуғ ибодат ва эзгу амаллар билан баробар қўяди. Болаларини чиройли вояга етказиш учун доимо Аллоҳдан ёрдам сўраб, дуо қилади.

Бола дунёга келган ондан тарбияга муҳтож бўлади. Илк тарбиячи онадир. Она боланинг ҳар бир ҳаракатини тартибга солади. Вақтида эмизади, ухлатади ва уйғотади. Боласининг тарбиясини бошқа бировнинг қўлига топширмасликка ҳаракат қилади. Чунки ҳеч ким болага ўз онасидек меҳр-муҳаббат беролмайди.

Она боласига Аллоҳнинг исми энг улуғ ва муқаддас эканини англатади. Қайси хулқлар гўзал, қайсиниси ёмонлигини оз-оздан ўргатиб, яхши хулққа одатлантиради.

Табиб олдин касалнинг аҳволини аниқ билиб, кейин даволашга киришганидек, она ҳам олдин боласининг табиатини яхши ўрганади, сўнгра ақли ва кучини ишга солади. Болани гўё хамир каби бир ҳолдан иккинчи ҳолга келтиради. Агар бола ўжар бўлиб, хоҳлаган нарсасини қилдирадиган, қаршилик кўрсатилса, йиғлаб инжиқланадиган бўлса, бола хоҳлайдиган ўша нарсалари-

ни унга кўрсатмасликка ҳаракат қилади ва хотирасида қолганини ҳам унуттиришга уринади. Шу йўл билан боланинг ўжарлиги муолажа қилинади.

Она болаларига энг олдин ўзини ғайратли ва меҳрибон қилиб танитади. Бола тортинчоқ ва нисбатан ялқов бўлса, кўнгли кетадиган ва кўзи тушадиган нарсаларни кўрсатиб, қизиқтиради. Болаларини алвасти, жин, олабўжи, ит, бўри каби нарсалар билан кўрқитмайди.

Она катталар ҳузурда қилиш, сўзлаш мумкин бўлмаган ишларни, гапларни болалари олдида ҳам қилишдан ва сўзлашдан сақланади. Юриш-туриши ва хатти-ҳаракати билан доимо яхши ўрнатилган бўлади. Ёлғон гапирмайди. Бола ҳар қандай нарсани сўраган тақдирда ҳам ростини айтади. Агар айтиб бўлмайдиган нарсани сўраса, бирор йўлини топиб, бу саволни унуттиради.

Яхши она боласига бақириб-чақирмайди, уни асло урмайди. Нотўғри ишлар учун танбеҳ беришнинг ибратли йўлини топади. Отасини энг ҳурматга лойиқ киши сифатида танитади. Ота қанчалик юмшоқ табиатли бўлса ҳам, энг улуғ, энг ғайратли киши сифатида кўрсатишади. Шу боис болалар отадан ҳайиқишга ўрганишади.

Оқила оналар болаларига уларнинг феъл-атворини гўзаллаштириб, зеҳнини чархлайдиган эртақ ва ҳико-



Масъулиятли оналарнинг фарзандлари яхши ва тарбияли бўлади. Доно она битмас-туганмас хазина, бу дунёдаги бахт ва саодатдир. Бундай онаси бўлган хонадон энг бой хонадон ҳисобланади.

Тарбиячи оналар дунёнинг энг ҳурматли инсонларидир. Охиратда ҳам улар жаннатнинг йўлбошчилари бўлишади. Бундай оналар ҳақида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир” (*Хатиб ривояти*), деганлар.

яларни сўзлаб беришади. Болаларини мактаб, мадраса ёки ўқитувчи ва домлалар билан кўрқитишмайди. Ўқишга ва илм ўрганишга муҳаббат уйғотишади. Ота фарзандини ўқитиш учун мактабга юбориш ҳаракатига тушганида она ҳам унга ёрдамчи бўлади.

Она вақт топиб, болаларига рўзгор юмушларини, уй-жойни озода, тартибли тутишни озоздан ўргатиб боради. Қизларига кучи етгунича бичиш, тикиш, идиш-товоқ тутиш каби ишлардан таълим беради.

Она боланинг соғлом ўсишига эътибор қилади, уни тўғри овқатланишга одатлантиради. Кийиниш маданияти ва тан озодалигига ўргатади. Фарзанди етти ёшдан ўтган бўлса, ҳар куни эрта уйғонишга одатлантиради. Кўп ухлаш, ётиш ёки ўтириш нақадар зарарли бўлса, жисмоний меҳнат одам боласи учун шу қадар фойдали. Яхши она фарзандини ҳалол меҳнат қилишга ўргатади.

Буюк ватандошимиз Абу Мансур Мотуридий “Таъвилоту аҳлис сунна” тафсирида Шўро сурасининг 49–50-оятларини шарҳлаб, бундай ёзади: «Фарзандлар, хоҳ қиз бўлсин, хоҳ ўғил бўлсин, Аллоҳ таолонинг ҳадяларидир. Инсонлар у ҳадяларни шукр ва миннатдорлик билан қабул қилишлари лозим.

Оятда ўғиллардан олдин қизлар зикр этилишининг ҳикмати мусулмон киши қиз фарзандни жоҳилият даври кишилари каби бало ва мусибат ҳисобламаслигини ўқити-

нинг саломатлиги, маънавий етуклиги миллат тараққиётини белгилайди. Ёшлик пайтиданоқ уларни илм-маърифатга қизиқтириш, яхши ўқиб-ўрганишларига шароит яратиш жуда муҳимдир.

Қиз боланинг тарбияси нозик бўлади. У уйдаги муҳитни теранроқ англайди, отасига ҳам бошқача меҳр-муҳаббатли бўлади. Шу сабабдан ота-онанинг ўзаро муносабати ва иноқлиги унинг ахлоқини белгилаб беради. Ҳар хил жанжаллар, келишмовчиликлар, онанинг отага ҳурмат-

ҚИЗ БОЛА БЎЛҒУСИ ОНАДИР

ришдир. Жоҳилият даври кишиларини: **“Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушxabар берилса, газаби келиб, юзлари қорайиб кетарди”** (Наҳл, 58).

Оилада қиз туғилса, баъзи эрлар норози бўлиб, аёлидан ранжиши, ҳатто баъзан оила бузилиши ҳолатларини учратиш мумкин. Бундайлар насл фақат ўғил фарзанд билан давом этади деб ўйлашади. Ваҳоланки, Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ҳар бир қавмнинг қиз фарзандидан туғилган бола ҳам шу қавмга мансубдир”**, деганлар (Имом Бухорий, Имом Муслим).

Қиз фарзанд Аллоҳ таолонинг раҳматидир, уни ўқитмай тарбиялаб вояга етказишнинг савоби улуг. Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Кимнинг учта қизи бўлиб, уларга тарбия бериб, катта қилса ва уларга меҳр билан қараса, жаннатга кириши муқаррардир”**, дедилар. Шунда бир киши: **“Расулуллоҳ! Унинг қизи иккита бўлса-чи!”** деб сўради. Расулуллоҳ: **“Иккита бўлса ҳам, дедилар”** (Имом Бухорий).

Қизларга илм, касб-хунар ўргатиш билан бирга чиройли хулқларга одатлантириш, улар онгига оила муқаддаслигини сингдириб бориш керак. Соғлиғига жиддий эътибор бериш лозим. Чунки ҳар бир тарбияланаётган қиз бўлғуси онадир. Улар-



сизлиги, ёлғон гапириши қиз боланинг тоза, нозик қалбини дағаллаштиради. Унинг ахлоқи онасининг феъл-атворига мослашади. Келажакда у ҳам онасига ўхшаши табиий.

Фарзандга чиройли тарбиядан ортиқ мерос қолдириб бўлмайди. Улар кўзларимиз қувончи экан, яхши хулқли бўлишларини, икки дунёда ҳам бизни севинтиришларини ўйлайлик.

Мадинахон Жўраева,

Тошкент Илм университети талабаси



АРГЕНТИНА РЕСПУБЛИКАСИ



Жуғрофий ўрни. Аргентина Жанубий Американинг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Ғарбда Чили билан, шимолда Боливия ва Парагвай, шимоли-шарқда Бразилия ва Уругвай билан чегарадош, шарқ ва жанубда Атлантика уммонига туташ.

Тарихи. Қадим замонларда Аргентина ҳудудида диагит, чарруа, керанди, гуаран, тапес, араукан ва патагон қабилалари яшар, улар орасида жамоа-уруғчилик муносабатлари ҳукмрон эди. Испан денгизчиси Хуан Диас де Солис 1516 йили Рио делла Плата дарёси бошланган катта ҳудудни испан қироллиги мулки деб эълон қилди. Испанлар мамлакатни Ла Плата деб аташди. Мустамлакачиларга қарши маҳаллий қабилалари бир неча марта (1580, 1630, 1657, 1710–1711 йиллари) исён кўтаришди.

1776 йили мамлакат ҳудуди бутунлай Рио делла Плата вице-қироллиги таркибига қўшиб олинди. Аргентинада катта феодал ер эгаллиги вужудга келди. Америкадаги испан мустамлакаларининг 1810–1826 йиллардаги мустақиллик учун урушида креоллар (илк испан келгиндиларининг авлодлари) Белграно ва Сан Мартин раҳ-

Майдони: 2.780.092 кв. км.
Аҳолиси: 40 миллион киши (2009 йил).

Пойтахти: Буэнос-Айрес шаҳри.

Тузуми: республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 22 та вилоят, 1 та миллий ҳудуд ва 1 та федерал пойтахт округидан иборат.

Йирик шаҳарлари: Кордова, Росарио, Ла Плата, Мендос, Тукуман.

Пул бирлиги: песо.

барлигида мустамлакачиларга қарши кураш олиб боришди. Кураш бошланган 25 май куни аргентин халқининг миллий байрами бўлиб қолди.

1816 йили вилоятлар вакилларининг Тукуман шаҳрида бўлган конгреси Ла Плата Бирлашган вилоятларини мустақил деб эълон қилди. 1826 йили Аргентина Федератив Республикаси тузилди. XIX аср мобайнида буржуазия манфаатларини ифодаловчи унитарийлар билан ер эгалари манфаатларини ҳимоя қилувчи федерациячилар ўртасида кураш давом этди. Аср ўрталарига яқин Аргентинада Буюк Британиянинг иқтисодий ва сиёсий мавқеи мустақамланди, 1833 йили Британия Фолкленд (Малвин) ороларини босиб олди. XIX аср охирида мамлакатга Америка ва Олмония капитали кириб келди. Ҳукмрон давлатлар Аргентинани сиёсий ва иқтисодий қарамликка солиб, уни дон ва хом ашё етказиб берувчи мамлакатга айлантиришди.

Йигирманчи асрда мамлакат аҳолиси бир неча бор ҳарбий тўнтаришларни бошдан кечирди ва узоқ вақт ҳарбий хунта ҳукмронлиги остида яшашга



мажбур бўлди. 1983 йили демократик ҳукумат ҳокимият тепасига келди. Аргентина 1993 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси билан элчилик муносабатларини ўрнатди.

Иқтисоди. Аргентина асосан деҳқончилик мамлақати саналади. Қишлоқ хўжалиги яхши ривожлангани боис у дон ва мол гўшти етказиб берувчи дунёда энг йирик ўлкалардан бирига айланди. Далаларда кўпроқ буғдой, соя, шакарқамиш, сорго ва ҳўл мева етиштирилади. Шу билан бирга, саноатнинг озиқ-овқат, автомобил, тўқимачилик, кимё, матбаачилик каби тармоқлари ҳам бирмунча ривожланган. Мамлакатда дунёдаги машҳур «Форд», «Крайслер», «Тойота», «Пежо» автомобиллари ишлаб чиқариладиган заводлар бор. Нефт қазиб олишда Аргентина Лотин Америкасида тўртинчи ўринда, уран захиралари бўйича эса дунёдаги етакчи ўнликка кириди. Сўнги йилларда табиий газ қазиб олиш ҳам ўсди, газ захиралари 600 миллиард кубометр деб тахмин қилинмоқда. Шунингдек, бу ерда мрамор, гранит каби қурилиш ашёлари, олтингугурт, қўнғир кўмир ҳам қазиб олинади. Четта чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 80 фоизи



гўшг, дон, ёғ, хом тери, жун, хўл мевадир. Четдан машиналар, транспорт воситалари, металл, ёнилғи, кимёвий маҳсулотлар келтирилади. АҚШ, Бразилия, Италия, Олмония ва Япония билан кенг савдо алоқалари йўлга қўйилган.

Аҳолиси. Мамлакат туб аҳолиси — ҳиндулар мустамлакачиларга деярли батамом енгилгач, аргентина халқи ўн тўққизинчи — йигирманчи асрларда оврупаликлар ҳисобига шаклланди. Ҳозир аҳолининг 85 фоиздан ортиғи оврупаликлар бўлса, 4,5 фоизигина маҳаллий халқлардир. Аҳолининг миллий таркиби асосан испанлар, италянлар, фаранглар, немислар ва славян халқларидан иборат. Ўтган асрда Октябр тўнтаришидан сўнг бу ерга келган украин, белорус, рус ва бошқа миллатларнинг авлодлари 700 минг кишидан ошади.

Дини. Мамлакат аҳолисининг диний таркиби ҳар хил. Жами аҳолининг 92 фоизи насронийликнинг католик сектасига эътиқод қилади, 2 фоизи мусулмон, 1,3 фоизи яҳудий динида.




Аргентинадаги мусулмонлар жамоаси салкам 980 минг кишини ташкил этади. Мусулмонларнинг 93 фоизи суннийлардир. Пойтахт ва йирик шаҳарларда ўнлаб жомеъ масжиди ишлаб турибди. Буэнос Айресдаги жомеъ бутун Лотин Америкасида энг катта масжидлардан бири. Мамлакатда мусулмонлар идораси, диний кадрлар тайёрлаш, исломий адабиётлар нашр этиш билан шуғулланувчи бир неча ташкилот ишлаб турибди.

**Шаҳризод НАСРУЛЛАЕВ,
Шерзод ШАРИПОВ,**

Тошкент Давлат шарқишунослик институти 2-босқич талабалари

Яқинда дўстларим билан қариялар уйига бордик. Бу ерда кексалар учун барча шароитлар етарли, лекин... Уларнинг кўнгиллари кемтиклиги юзларидан сезилиб турарди. Йиллар давомида бу эшиклардан шифокор, ҳамшира, уларга бириктирилган хизматчилар ва фаррошлар кириб чиқишган. Хомийлари ҳам кўпинча ҳотира куни ёки байрамлар-



шолмайди. Бу ерда яхши қарашади. Яна тенгқурларим кўп... Майли, болаларим қаерда бўлишса ҳам, азиз бошлари омон бўлсин... бир куни албатта келишар...”

МЕҲРГА ЗОР КЎНГИЛЛАР

да йўқлашади. Бизнинг бо-ришимиз эшикка термулиб ўтирган қарияларга бошқача таъсир қилди. Бизларга ўз набираларидек муносабатда бўлишди.

Бир отахон эътиборимни тортди. У чеккада даврага қўшилмасдан, ёлғиз ўзи мунгайиб, узоқларга термулганича ўтирарди. Олдига бориб, аста суҳбатлашмоқчи бўлдим. Гаплашгиси келмади. Узр сўраб, кетаётганимда, қулоғимга: “Нега одамлар ачинадиган ҳолатга тушиб қолдим?” деган титроқ овоз эшитилди. Тўхтадим. “Фарзандларим соғ-омон, набираларим аллақачон сизлар билан тенг бўлишган. Уларни кўргим, эркалагим келади... Ҳамма айб ўзимда, уларни яхши тарбиялай олмадим...” Чол яна узоқ вақт жим қолди. Мен ҳам сукут билан дардига шерик бўлдим. Отахон тўрт ўғилни тарбиялаб вояга етказган экан. Бир оздан сўнг яна гапира бошлади: “Уларнинг иши кўп, вақтлари етмайди. Шунинг учун кели-



Бу гапларни айтаётганида отахоннинг кўзлари ёшга тўлди. Юзини ойна томонга ўтирганича бошқа гапиролмади. Аллоҳдан отахонга сабр, фарзандларига инсоф тиладим.

Қуръон тиловати билан суҳбатни тугатдик. Қариялар уйдан қайтаётиб, жавобсиз саволлар ичида қолдим. Отаонадек мўътабар зотларни улуғ ёшида ёлғизлатиб қўйиш фақат тошбағир одамларнинг қўлидан келади.

Ҳалиги чолнинг фарзандларини кўргим келди. Уларга ҳам айтар гапим бор. Чунки бу дунё қайтар дунёдир...

Гулсал ҚУРБОНОВА,
Тошкент Ислон университети талабаси

ГИЁҲВАНДЛИК ВАБОСИДАН АСРАСИН

Аллоҳ таоло инсонга ақл бериб, барча яратилмишлардан устун қилди. Бу ҳақда Куръони каримда бундай дейилади:

“Дарҳақиқат, (Биз) одам фарзандларини (азиз) ва мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (отулов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик” (Исро, 70).

Инсон ақли билан нима фойдаю нима зарарлигини ажратади. Ақлга путур етказадиган ҳар қандай нарса эса ҳаром саналади. Абу Довуд ривоят қилган бир ҳадисда: “Ҳар бир маст қилувчи ва қарахт қилувчи нарса ҳаромдир”, дейилади. Ақлни кетказувчи моддалар сирасига маст қилувчи ичимликлар, нос, наша, тарёқ ва гиёҳванд моддаларнинг барча турлари киради. Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсаларни ҳалол санаш мўминнинг имондан чиқишига сабаб бўлади.

Ақлни кетказувчи моддаларни сотиш ва тарқатишнинг ҳукми уларни тановул қилишдан ҳам оғирроқдир. Гиёҳвандлик йўлига кириб қолганлар яхшини ёмондан, фойдани зарардан ажратолмайди. Улар бир марта нафсларини қондириш учун ҳар нарсага тайёр бўлади. Кўпинча гиёҳвандлар ўғрилиқ, товламачилиқ, ҳатто қотиллик каби жиноятларга ҳам қўл уришади. Гиёҳвандларнинг зарари фақат ўзларига эмас, балки келажак авлодларига ҳам етади. Чунки бангилар майиб-мажруҳ фарзандлар дунёга келишига сабабчидир.

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш киши соғлиғига ўта зарарлидир. Биринчидан, бундай моддалар инсон ақлини тўмтоқлаштиради. Иккинчидан, баданни ҳар хил касалликларга чидамлилигини кетказди. Учинчидан, хотирани пасайтиради. Тўртинчидан, юрак ишини издан чиқаради. Бешинчидан, ҳозирги кунда давоси йўқ деб айти-



лаётган ОИТС касаллигига ҳам асосан гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар кўпроқ чалинишади. Булардан ташқари, гиёҳвандлик кўзни хиралаштиради, тишларни сарғайтириб, муддатидан олдин тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Ошқозон-ичак, жигар ва ўпка ишини бузади. Бангилар ўта ялқов ва аёлига, бола-чақасига эътиборсиз бўлиб қолишади.

Бундай касалликка чалинганлар энг олдин далдага, тиббий муолажага муҳтождирлар. Шунинг учун яқинлари гиёҳвандликка чалиниб қолганларни иложи борица тезроқ даволатишга ҳаракат қилишлари зарур.

Гиёҳванд моддаларга сарф этиладиган харажатлар шахсга ҳам, жамиятга ҳам иқтисодий зарар келтириши билан исроф ҳисобланади. Исроф эса, Куръон ва ҳадис билан ҳаром қилинган.

Динимиз покликка, озодаликка буюришининг заминидан инсон саломатлигига ғамхўрлик ётади. Маҳаллалар ва қишлоқларда бу каби иш билан тез бойиб кетишни истаган ва қанчадан-қанча кишилар умрига зомин бўлаётганларга бефарқ қараб туриш мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтсак, гиёҳвандлар оридан, шаънидан, ҳурмати ва касб-хунаридан айрилади. Оиласи бузилади, фарзандлари тирик етимдек бўлиб қолишади. Шунингдек, уларнинг руҳий бузилишлари, жисмоний йўқотишлари қайта тикланмайди. Бу каби ёмон иллатлар ёшлар орасида тарқалишининг олдини олиш учун ота-оналар доимо ҳушёр бўлишлари, болаларнинг кўча-қўйда тентираб, назоратсиз юришларига асло йўл қўймасликлари керак.

Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг ўринбосари

Муҳтож қариндошларига ёрдам бериш мусулмонга вожибдир. Ҳадисларда ака ота ўрнида, опа она ўрнида экани айtilган. Демак, акани ота каби ҳурматлаш, опани она каби эъозлаш лозим. Ўз навбатида, бу қоидадан ака ва опанинг ука-сингилларига ота ва она каби ғамхўрлик қилишлари кераклиги ҳам англашилади. Абу Бакр Сиддик (Аллоҳ рози бўлсин) камбағал, ғайридин қариндошига нафақа беришни тўхтатганларида Расулulloҳ (сол-

Ҳадиси шарифларда қариндошлик ҳақ-ҳуқуқларига амал қилмай, эътиборсиз бўлганлар жаннатга кирмаслиги маълум қилинган. Жумладан, бир ҳадисда: *“Қариндошларидан алоқани узган одам жаннатга кирмайди. Силаи раҳм доимий борди-келди эмас, балки узоқлашиб кетган қариндошнинг ҳолидан хабар олишдир”* (Бухорий ва Муслим ривояти), дейилади. Қариндошлик ҳақлари фақат борди-келдиларнинг такрорланиши билан чегараланиб қолмай, очин-



НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШ

Август ойининг еттинчи куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бир қатор масалалар кўрилди. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов жорий йилнинг биринчи ярмида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Муфтий ҳазратлари идора тизимида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан маъруза қилди. Шунингдек, жомеъ масжидлари имом-хатибларининг илмий савиясини ошириш, намозхонларга қулайликлар яратиш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилганини айтиб, қилинадиган ишлар кўплигини таъкидлади. Имом-хатиблар фаолиятининг замон талабларига мос бўлишида Имом Бухорий халқаро марказининг ўрни муҳим эканини эътироф этди.

Идора раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов Рамазон ойи, Истиклол байрами ҳамда Рамазон ҳайитини муносиб кутиб олиш билан боғлиқ муҳим вазифалар ҳақида гапирди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳмаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси вазифасини бажарувчи Ортиқбек Юсупов, Имом Бухорий халқаро маркази раҳбари Убайдулла Уватов ва бошқалар кўрилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мухбиримиз

ҚАРИНДОШЛИК ҲАҚЛАРИ

лаллоҳу алайҳи ва саллам) танбеҳ берганлар. Мўмин киши яқинларидан яхшилик кўрмаса ҳам, улардан ёрдамини аямаслиги керак. Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалар қариндошларидан шикоят қилишганида, у зот: “Улар ёмонлик қилишса ҳам, сизлар яхшилик қилаверинглар”, деб буюрганлар.

Қуръони каримда: **“Эй одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Раббиларингдан кўрқинглар! Шунингдек, ўрталарингдаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан кўрқинглар! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир”** (Нисо, 1), дейилган.

тўқин кунларида далда бўлиш ва хурсандчилигига шерик бўлишни ҳам тақозо этади. Инсон табиатан яқинларига, оғайнилариغا суянишни хоҳлайди ва топганларини улар билан баҳам кўришга уринади. Яқинларнинг ўзаро борди-келдини узиб кўйиши жамиятда меҳрсизлик, бағритошлик деб баҳоланади. Бундай кимсалардан яхшилик умид қилинмайди. Қариндошлик алоқаларининг мустаҳкамлиги жамият тараққиётида ҳам муҳим омилдир. Аҳиллик, меҳрибонлик устувор жамиятда муҳтожлар бўлмайди, етимлар кўчада қолмайди. Аллоҳ таоло барчаларимизни бир-бирларимизга меҳр-муҳаббатли қилсин, фаровон ҳаёт кечиршимизни насиб этсин!

Собиржон АРЗИҚУЛОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси фатво бўлими
ходими

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Ягона иқтисодий ҳудуд



Овроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида 2012 йилнинг

1 январидан Ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисида келишиб олинди. Россия Федерацияси бош вазири биринчи ўринбосари Игор Шувалов шу ҳақда маълум қилди.

Овроосиё иқтисодий ҳамжамияти Россия, Беларус, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни бирлаштирган халқаро ташкилотдир. Бу ташкилот унга аъзо мамлакатлар ташқи умумий божхона чегараларини шакллантиришга, ташқи иқтисодий фаолият сиёсатини, нарх-наво, умумий бозорнинг бошқа қоидаларини ишлаб чиқиш, тартибга солишга масъулдир.

Янги Гвинея мусулмонлари



Янги Гвинея пойтахти Порт-Морсби шаҳри марказида Малайзия ва Саудия Арабистони мусулмонлари ёрдами билан жомеъ масжиди қурилганига кўп бўлгани йўқ. Ҳозир

масжид қошида мадраса ҳам очилган. Масжидга Малайзияда диний таълим олиб қайтган Марк Эфай Холид имомлик қиляпти. Унинг айтишича, меланезия халқлари, айниқса, папуасларнинг яхши урф-одатлари кўп жиҳатдан исломий анъаналарга уйғун келар экан. Шу боис ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидаёқ маҳаллий папуаслар Исломни қабул

қила бошлашган эди. Ҳозир мамлакатда мусулмонлар сони тўрт минг нафардан ортади. “Мамлакатда мусулмонларга муносабат йилдан йилга ўзгариб, яхшиланиб бормоқда”, дейди имом Холид.

“Минг бир кашфиёт” кўрғазмаси

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида Ислом тамаддуни илм-фан ютуқларига бағишланган “Минг бир кашфиёт” кўрғазмаси катта муваффақият қозонди. Лондондаги Фанлар музейида намойиш этилган ушбу кўрғазмани уч юз мингдан ортиқ томошабин келиб кўрди. Бундай рақам музей тарихида илк бор қайд этилгани алоҳида таъкидлашга арзийди.



“Минг бир кашфиёт” кўрғазмаси энди Истанбул шаҳрида намойиш этилади. Яқинда кўрғазма ташкилотчиси Салим Ҳассоний, Лондон Фанлар музейи директори лорд Уилям Уолдегрейв ва Туркия маданият вазири Карим Қийротли бу хусусда келишиб олишди.

Кўрғазмага ўзига хос дебоча бўлган “Минг бир кашфиёт ва сирлар кутубхонаси” қисқаметражли филми Лос Анжелес, Гамбург шаҳарларида ўтказилган халқаро танловларда иккита олтин, шунингдек, бешта биринчи мукофотга лойиқ топилди.

Янгича лойиҳа

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида қуриладиган “Мантия” жомеъ масжиди лойиҳачилари ўртасидаги танловда фин Даниел Андерсен билан немис Кристина Фюгел биргаликда топишган ўзига хос ечим голибликка даъвогар бўлиб турибди. Му-



аллифлар айтишича, бу лойиҳани анъанавий масжид қисмларининг тиккасига (остин-устин) жойлашган шакли дейиш мумкин. Биринчи қаватда ҳов-

лига ўхшаш умумий майдон, жамоатчилик ва ахборот маркази, кутубхона, хизмат хоналари, кейинги қаватда ҳам кенг айланасимон майдонча ўртасида чиройли боғча ва таҳорат олишга мослаштирилган ҳовуз бор. Ундан юқорида хонақоҳ, энг баландда – очиқ осмон остида минора қад ростлайди.

Лойиҳачилар жомеъ ичкарасида қуёш нури ва соянинг гўзал тарзда уйғунлашувига, озодаликка, намозхонлар фикрини чалғитмаслик чораларига катта эътибор беришган.

Миср олимлари рухсат беришди



Мисрнинг “Ал-Азҳар” университети олимлари рамазон ойида майдонга тушадиган футболчи ўша кунги рўзасини кейин тутиши мумкинлиги

ҳақида фатво беришди. Улар айтишича, агар футболчи шартнома имзолаган, бу шартнома унинг ягона даромад манбаи бўлса, рўза тутиш унинг ўйини сифатига таъсир этишини билса, ўша кун рўзасини бошқа кунга қолдириши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Олмония иккинчи лига жамоаларидан “Франкфурт” раҳбари ўйин куни рўза тутгани боис уч нафар футболчига ҳайфсан эълон қилганидан сўнг мамлакат мусулмонлари марказий кенгаши ушбу масала ечимини сўраб, “Ал-Азҳар” олимларига муурожаат қилган эди.

Қадимий масжид қайта тикланди



Туркманистоннинг жануби-ғарбидаги Балқон вилоятида қадимий “Машад ота” (милодий XII) аср жомеъ масжидини қайта қуриш ишлари яқунланди. Бу ерда шайх Али ибн


Суккорий мақбараси ҳам бор. Тарихда бу жойлар “Деҳистон воҳаси” деб аталар, хо-

размшоҳлар даврида гуллаб-яшнаган эди. Чингизийлар босқинида бузилган бўлса-да, яна тикланган жомеъ Ўзбой дарёси қуриб қолганидан сўнг буткул харобага айланган.

Мари ва Кўхна Урганч усталари россиялик ва америкалик мутахассислар ёрдамида масжидни сифатли таъмирлашди. Эрон, Туркманистон ва Қозоғистонни боғлайдиган Баракот – Этрек темирўлига яқин бўлгани боис бу жойларда ҳадемай сайёҳлар гавжум бўлиши кутиляпти.

Ҳожиларга қулайлик

Бу йилги ҳаж мавсумида Саудия Арабистони ҳукумати ҳожилар учун қатор қулайлик яратилишини маълум қилди. Жумладан, шайтонга тош отиш



жойи – Жамарот кўпригига ҳаво ҳароратини ўртача сақлаб турувчи мосламалар ўрнатилди. Ўттиз икки йил ҳожиларга хизмат қилган эски кўприк ўрнида беш қаватли янгиси қурилди. Бу иншоот ҳожилар оқимлари бир-бирларига тўқнаш келмаслигини таъминлайди. Шунингдек, Масжидул Ҳаромни Мино, Муздалифа, Арафот билан боғловчи бир релсли темирўл ҳам ишга туширилади. Ушбу лойиҳа тўла амалга оширилса, темирўл соатига етмиш минг йўловчини манзилга элтади.

Халқаро санъат анжумани

Шу йил октябр ойида Эронда бўлиб ўтадиган халқаро санъат анжуманида турли мусулмон мамлакатлари ижодкорларининг саккиз мингдан ортиқ асари намойиш этилади. Шунингдек, яна икки юз элликта асар танловдан ташқари асосда томошага қўйилади. Анжуман котиби Муҳаммад Ризо Қамарий айтишича, бу асарлар кўрсатилган охириг муқддат ҳам тугаб бўлганидан сўнг танлов ҳайъатига келиб тушган.

Халқаро танлов ЮНЕСКО ёрдамида ўтказилади. Бўсна, Херсек, Бангладеш, Судан рассомлари танловга энг кўп асарлар юборишгани қайд этилди. Санъат байрами очилиши маросимида сараланган тўрт юзта асар намойиш қилиниши кутиляпти.



ҲАР СОНИЯСИ ҒАНИМАТ...



Ён дафтарчамни варақлаб: “Жаннат эшиклари очилиб, жаҳаннам эшиклари бекиладиган, шайтонлар занжирбанд қилинадиган, бир кечаси минг ойдан яхшироқ Рамазон ойи келди. Бу ойда покланиб олмасам, бундай имкон яна қачон бўлади?” сўзларини ўқидим. Қалбимга бир ёруғлик ингандек бўлди. “Қачон?” деган сўз хаёлимда чарх ура бошлади. Бу савол руҳимдаги бир қарахлик занжирини парчалагандек эди гўё. Шу пайтгача “Қачон?” сўроғи ҳеч қачон қалбимни бу қадар жунбушга келтирмаган, бунчалик ўйга толдирмаган эди. Ўзларича: “ҳазон мавсуми келди” дея, мен каби афсусланган, умрининг кузини яшаётганларга ҳар нарсадан яхши ҳаловат тухфаси, таъсирли огоҳчи эди бу.

Туйғуларимни ёлғиз мушоҳада қилгим келмади. Хайрли имкон қаршисидан экани-

мизни ёдингизга солишни истадим. Азиз замондошим, мен каби, ҳолим нима бўларкин, дея хавотирлимисиз? Ортингизда қолган бир қарашда қисқа, гоҳо узун кўринган ҳаёт йўлингиздан ташвишингиз борми? Ғам чекманг, насиб этса, олдимизда муборак ой турибди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар умматим рамазон ойида қандай хислатлар борлигини билганларида эди, йилнинг барча ойларини рамазон бўлишини орзу қилишарди”, деганлар. Бу ойда раҳмат ва мағфират фаришталари ерга тушади. Бир савобга минг қилиб мукофот ёзилади. Озгина қийинчилик эвазига тугамайдиган бахтга эришишимиз мумкин.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Рамазон ойи одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳуж-**

жатлардан иборат Куръон туширилган ойдир” (Бақара, 185). Куръон тушган ойда уни кўп ўқиш, эзгу ва саховатли ишлар билан руҳимизни қувватлантирайлик, қалбимизни поклайлик.

Эсласак, кўнгилни оғри-тадиган, қийнайдиган хотиралар бўлиши мумкин. Гарданимизда баъзиларнинг ҳақи бордир. Тоат-ибодатларимиз етарли эмас. Кимдир закотини берган, кимдир эса... Рамазон ойи шу каби кемтиқларимизни бутлаб олиш учун энг қулай вақтдир. Холис ният билан мақсадимиз сари қадам босайлик. Бу ойнинг ҳар соनियाси ғанимат. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким ишониб ва мукофотини фақат Аллоҳдан кутиб рўза тутса, қилган гуноҳлари кечирилади”, деганлар (Муслим ривояти).

Мен ғафлатда қолмаслигингизни, эзгу амалларингиз қабул бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб, дуо қиламан, сиз ҳам мени шундай дуо қилинг. Боши раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзадан озод бўлиш кунлари бўлган муборак ойнинг баракоти барчамизга насиб этсин, азизлар.

Тўхта ҚУРБОН қизи,
Шаҳрисабз



Мисрлик машхур қори Муҳаммад Сиддиқ Миншавий 1920 йили Миср пойтахтидан 560 чақирим жанубда жойлашган Суҳаж вилоятида қорилар оиласида туғилди. Отаси даврининг етук Куръон ҳофизларидан бўлган, акаси Маҳмуд ҳам чиройли ва ширали ўқирди, амакиси Аҳмад Саид Аҳмад ҳам қироат устозларидан бири эди. У тўрт ёшидаёқ ўткир зеҳни ва кучли хотираси билан тилга тушди. Саккиз ёшида Қуръони ка-

Миншавий радио орқали Куръон тиловат ўқишдан ташқари Ҳайза Малик масжидида имомлик ҳам қилди. Шу даврда Куръони карим қироатини тўлиқ магнит тасмасига ёздирди.

У кўплаб араб юртларига сафар қилди. 1955 йили Абдулбосит қори Абдуссамадга йўлдош бўлиб, президент Аҳмад Сукарно таклифи билан Индонезияга ташриф буюрди. 1957 йили Сурияга, 1959 ва 1964 йиллари

МУҲАММАД СИДДИҚ МИНШАВИЙ

римни тўлиқ ёд олди. Шундан сўнг амакиси илм олиш учун уни Қоҳирага олиб келди.

Ёш Муҳаммад Сиддиқ Қоҳирада даврининг кўзга кўринган қорилари Аҳмад Нидо, Мансур Баддор, Али Маҳмуд каби устозлардан таълим олди. Жуда тиришқоқ, тартибли ва юмшоқ феълли ўқувчи сифатида тенгқурлари орасида ажралиб турарди. Унинг қалбида кибр ёки шуҳратпарастликдан зигирча ҳам асар йўқ эди. Ҳофиз бутун умр бундай иллатлардан ўзини узоқ тутди. Ҳатто Қоҳира радиоси қироатини ёзиб олишни таклиф қилганида рад этди. Чунки машхурликка интилиш ўзини чалғитиш деб ҳисоблар эди. Шу сабаб радиода унинг овози анча кеч — 1953 йили янгради ва бутун Миср халқига манзур бўлди.

Муҳаммад Сиддиқ Миншавий самимий ва оддий одам эди. Ўзига етарли мол-давлатга эга бўлса-да, оддий мисрликлар кийимида — бошида ихчам оқ салла, эгнида оддий якак ва оппоқ кўйлақда юрарди.


Унинг оиласи катта, етти ўғил ва олти қизи бор эди. Фарзандларига илм ўргатди, чиройли тарбия берди.

Жуда банд бўлишига қарамай, ўзи туғилиб ўсган Юқори Мисрни (Мисри Саида) ҳеч унутмади. Вақти-вақти билан фарзандларини олиб у ерга борар, яқинлари билан учрашар, эҳсон дастурхонлари очар эди. Бу зиёфатларда масъул шахслар қатори шаҳардаги барча мискин ва фақирлар ҳам келиб меҳмон бўлиб кетишарди.

Қуддуси Шарифдаги Ақсо масжидига, 1966 йили эса Саудия Арабистонига борди. Шунингдек, Ироқ, Қувайт, Покистон, Ўрдун ва Жазоир каби мамлакатларда ҳам бўлди.

1966 йили Миншавий бир касалга чалинди. Табиблар оғриқ қолдирувчи воситалар ёрдамида унинг касалини бироз енгиллатишга эришишди ва унга ўзини кўп толиқтирмаслик, айниқса, овоз пайларини асрашини тавсия этишди. Аммо ҳофиз баланд пардаларда тиловат қилишни тарк этолмади. Ҳатто вафотидан сал олдин ҳам шундай баланд овозда қироат қилди, ҳатто уйи ёнидаги масжидда ўтирган намозхонлар ҳам унинг овозини эшитишди. Натижада касали зўрайиб, шифохонага ётқизишди. Машхур Куръон ҳофизи Муҳаммад Сиддиқ Миншавий 1969 йил 20 июн куни бебаҳо маънавий мерос — Куръон тиловатлари ёзилган тасмаларни миллионлаб мухлисларига қолдириб, бу дунёни тарк этди.

*Имом Бухорий
халқаро маркази илмий ходими
Фахриддин МУҲАММАДИЕВ
тайёрлади.*



Йўлдош ЭШБЕК

Тушларимга киради отам...

Йўллардан

Тоғларнинг атрофин яшнатгандай кўл
ва ёриб ўтгандай ташна чўллардан,
(гоҳо дўст қизғонди, душман берди йўл)
хижолат ичида ўтдим йўллардан.

Замбил аравамни бир кўлда тортдим,
кутиб қутолмадим имдод йўллардан,
фалакни кучоқлаб елкамга ортдим,
елкамни кўтариб ўтдим йўллардан.

Гоҳо лой сачратди. Гоҳо бўлди нур —
ёп-ёруғ ўнглardan. Зулмат сўллардан
гоҳо ер ёрилди, кўк ёғдирди дур,
Сенинг ишқинг билан ўтдим йўллардан.



Ҳижрон

Қизғалдоқ ёлқини шафаққа етди,
осмон пар-пар ёнди, бўлди бир тиниқ,
тўрғайлар нуқтага айланиб кетди —
кўклар куйга тўлди... бари бир синиқ!

Надомат

Ёшлигим қайларга кетиб қолибди,
ёш дил-ла овуниб юрибман, қаранг.
Умр поёнига етиб қолибди —
энди очган эдим кўзимни аранг!



Афв айласа

Ер-кўк сенга хавф айласа,
агар Аллоҳ афв айласа,
бошингдан бир соч тўкилмас,
кўзингдан хор ёш тўкилмас.

Сарой бўлар кулбахонанг,
дуо қилса ота-онанг,
тўқ дон бўлар ўрганларинг,
тинчлик бўлар кўрганларинг.



Улуғ зотга фарзандлик қил,
танбеҳ берса, ҳиммат деб бил,
хизмат қилиб, фотиҳа ол,
қошинг узра кўнгай ҳилол.

Дуо қилар эл-юрт ҳар дам,
муҳтожларга берсанг ёрдам,
бу Ватанга ҳимматингдир,
Аллоҳ учун хизматингдир.

Уйғоқ эсанг туйғуларда,
жаннат кўргил уйқуларда,
кўнгулларга зиё тўлсин,
юртинг нузли диёр бўлсин.



* * *

Тушларимга тез-тез кирмоқда отам,
у кетган ёшларга кириб қолибман,
биноқ қувонч ўша, ўша-ўша ғам,
мен қайси дўстимдан хабар олибман?

Тушларимга тез-тез кирмоқда отам,
мени ибодатдан этгандай огоҳ,
биноқ савоб маълум, менда рағбат кам,
тийилсам-да, қайдан келмоқда гуноҳ?

Тез-тез тушларимга отам кирмоқда,
гоҳ табассум қилар, гоҳ дўқ урмоқда:
«Ўғлингнинг тушига кирар вақт келди,
энди яхши ишга улгургин...» дерди.



* * *

Дала бўлуб бораман тоққа,
оёғим суғуриб тоза лойлардан,
бир наво келади мунгли, қалтираб,
бир хабар келтирар гўзал жойлардан.

Бир қушча сайрайди бутоққа қўниб,
тумшуғи чўғ каби теграси нурдир,
атроф қотиб қолган, гўёки тўниб,
қушча куйлаётган дамида ҳурдир!

Ёмғир тиниб қолган, ёмғирдан сўнги
мусаффо оламга ярашади куй,
олам англай олмас тушими, ўнги,
ё бу куй дунёга яп-янги бир уй!



Момо

Урчуқ айланади, липиллайди шам,
ўқтин-ўқтин ҳуриб қўяр ёлғиз ит.
Алмашиниб турар қувонч билан ғам,
кўз олдига келар бешик ва тобут,

Ҳар қалай ёлғизлик, ҳар қалай саҳро,
ёмғир эзиб ёғар, тун, деворлар нам,
нени олиб келар умид бир дарё,
урчуқ айланади, липиллайди шам...

* * *

Дарё бўйини маскан тутди қуш
сув тагида тошлар рангин чечаклар
тошқинда тарк этди масканини у!
Тарк этишдан олдин
тўлқинлар тоғи узра чарх урди чирқираб

қолди чўп-чайласи, поллопонлари.
Обод жойларга борди,
қўнглига сиғмади ободлик
қўнгли фарёдли
фигон ҳайдаб келди яна соҳилга
чўп-чайласи обод, болалари ҳам
улғайди, аммо учишни билмайди,
она қушга қарайди ҳайрон...
бошини айлантириб қўйди мусибат:
келиб қолган эди қарши соҳилга
қайтиб келган эди қарши қирғоққа
она қуш.



* * *

Дарахтларнинг кўз ёши —
барг тўкилар дувиллаб,
ҳазин кеч куз кўёши,
боғлар қолди ҳувиллаб.

Сергаклик бор фалакдай,
айни замон кўп маъюс,
иштончан бир болакай
отасини кутар... Куз...



* * *

Осмонда ойлар тўлар,
сойлар шарқирар ерда,
гул ёнида булбуллар,
сен қайдасан, бокирам?

Ҳар ёнда кезар баҳор,
гулга тўлмиш ҳар томон,
қувнаган жой қайда бор,
жим тикилар ер-осмон.

Осмон бўлма, майли туш,
ер бўлмай мен ҳам доим,
висол бўйи эсар хуш
уфқдан майин-майин!

ИСТИҚЛОЛ КУРАШЧИСИ

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ туғилганининг 135 йиллигига

Ислом қомусларидан бирида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Туркистоннинг улуғ маърифатчиларидан, муфтий, ўлкада жадидчилик ҳаракати асосчиларидан бири. 1875 йили Самарқандда туғилди. Диний, дунёвий илмларни чуқур ўрганди, кўпгина Ислом ўлкаларига сафар қилди. “Туркистон мухторияти” ташкилотига асос солди. Атоқли маърифатпарвар Исмоил Фаспирали таъсирида Самарқандда янги усул мактаблари очиб, илму ирфон тарқатди. Ислом дини ва тарихига доир “Амалиёти Ислом”, “Тарихи Ислом”, “Китабул атфол” асарлари бор».

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўтган аср бошларида ғоявий маслақдошлари Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар билан бирга ўлкани жаҳолат, қоқлик ва мутассибликдан ҳамда чор мустамлакачилиги зулмидан қутқариш йўлида, ўлканинг иқтисодий-сиёсий ва маданий тараққиёти қайғусида тинмай кураш олиб борди. Бугина эмас, у 1905–1917 йиллари миллий мустақил давлатчилик, давлат тили қонунлари, демократик йўл билан ўтказиладиган парламент сайловлари ва бунда ҳамма миллат-элатларнинг тенгҳуқуқли эркин иштироки, уларнинг тили, дини, урф-одатларининг дахлсизлиги масалаларини дадил кўриб чиқди. Айниқса, унинг ўша даврда ёзган «Марказий шўромизга», «Иттифоқ керак», «Баёни ҳақиқат» (1917), «Қозоқ қариндошларимизга хат» (1918 йил январ) каби мақолалари ва 1918 йил августда «Туркистон давлат тили» масалалари бўйича Тошкентда чақирилган кенгашдаги нутқи аҳамиятлидир.

Беҳбудий 1917 йил 12 июнда Тошкентда чиқиб турган «Улуғ Туркистон» газетаси саҳифаларида эълон қилган «Баёни ҳақиқат»

номли мақоласида ҳали ўлкада мухторият галаба қилмасидан бир неча ой олдин бу хусусда фикр юритиб, башорат ила бундай деб ёзган эди: «Биз... истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизнинг ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ... Биз истаймизки, бутун Русия мусулмонлари мухторият (федерация) усули юзасидан тириклик қилсунлар. Русия мусулмонларининг ҳар бир шўъбаси жуғрофий муҳит ва мамлакатларининг ҳудуди тарбияси бўйича айрим бўлақларга бўлиниб, ўз тарафларидан ўз ҳуррият ва одатларига мувофиқ идора қилинса... Биз истаймизки, ...ҳукумат таъсис этсак, ўзимизнинг парламентимиз бўлса. Ўлка мусулмонлари одатларига, ўз закўн (қонун) ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар... бора-бора тадрижий суратда аскарларимиз бўлсун, миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарзини ўзимиз тайин қилурмиз. Мана, олдимизда қандай катта катта ишлар турибдир. ...Такрор арз қилурмизки, ёшлар ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак. Вале (акс ҳолда) бизга на ҳуррият ва на-да мухторият берилур».

Маҳмудхўжа Беҳбудий номи миллий истиқлолимиз курашчилари сафига ўчмас ҳарфлар билан ёзилди. У халқимизнинг ўтган аср бошидаги биринчи маърифатпарвари ва адиби сифатида тилга олина бошлади. Жумладан, тарихчи Лазиз Азиззода «Беҳбудий» (1926) мақоласида маърифатчи адибнинг чоризм даврида ўлка ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятига катта баҳо берган, унинг хизматлари жаҳонга машҳур сиймолар фаолиятдан кам эмаслигини таъкидлаган.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди



XIX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётининг етук намояндаси Мавлоно Муқимий ижоди замонасининг овози сифатида ажралиб туради.

Муҳаммад Аминхожа Муқимий Хўқандий (1850–1903) Кўқон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган фозил ва эътиқоди мустаҳкам ижодкор эди. Шоир ҳаёти ҳақидаги илк ёзма маълумотда бундай дейилади: «...Муқимий шоир таваллуд то-

“Ўзим ҳар жойдаман кўнглим сандадур” мисрасининг нақадар оддий, лекин тағдор мазмунга эга эканига диққат қилинса, шоирнинг асл мақсади не экани англашилади.

Муқимий ҳақгўй табиатидан келиб чиқиб, давр норасоликларини қоралар, ноҳақлик ва адолатсизликка чидай олмасди. Шу туфайли унинг ўткир ҳажвиёти юзага келди. Собиқ совет даврида айтилганидек, “сатираларида

Демак, Муҳаммад Аминхожа илмига амал қилган, ўткинчи дунё лаззатларига берилмаган, камтар, ўзига хос нозиктаъб киши бўлган. Бу фикрларни шоирнинг ушбу мисралари ҳам тасдиқ этади:

Ориф Худодин ўзганинг
зикрини деёлмағай,
Ҳақ ёди бирла умри ўтуб,
ухлаёлмағай,
Сўзи дилини кимсага
зоҳир қилолмағай,

УҚБО ҒАМИН ЧЕККАН ШОИР

пиб, жаноби ҳазрати Калоннинг¹ назари кимё асарларига манзур қилиниб, ул жаноб анга “Муҳаммад Амин” — ном қўюбдилар. Ул назари кимё асарнинг ҳосият ва баракотларидин ул фарзанд хадди булугга етиб, таҳсили илмига машғул бўлуб, бир неча вақт Бухорои шарифга бориб, мадрасада истиқомат айлаб, хатми кутуб қилиб, андин сўнг ўз ватани Хўқанд шаҳрига келиб, ақрон ва амсоллари наздида қадр манзилот пайдо қилдилар. ...Жаноб ҳазратнинг мадрасаи мутабарракаларида (Кўқондаги “Соҳибзода ҳазрат мадрасаси”) умр ўткармоқни ўзига лозим фаҳмлаб, кечаларни уч тақсим қилиб, бир тақсимда Каломи Раббоний (Куръони карим) тиловат айлаб, иккинчи тақсимда жузъиётдан таъби назм ишларига машғул бўлиб, қасида ва ғазалиёт, муҳаммас ва мувашшахлар айтиб, ва бир қисмида, анга инсон ноилождур, хоби истироҳатта машғул бўлур экан...»²

Шоир қаламига мансуб кўп шеърларда шўх лирик оҳанглар учрайди. Лекин уларнинг замирида ҳам ғам ва мунг сезилади. Бунинг сабаби ижодкор табиатидаги ҳақпарастлик ва хилватнишинликка мойиллик бўлса ажаб эмас. Биргина “Тановор II” куйида айтилувчи, машҳур кўшиқ бўлган мураббаъсидаги

бой ва дин аҳлини” эмас, баднафс, жоҳил, муттаҳамларни ҳажв қилди.

Ўзбек адабиёти тарихини Муқимий ижодисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Агар унинг ижодиёти тўла равишда тақдим этилса, асл моҳияти ошкор бўлиб қолиши шубҳасиз эди. Шунинг учун, совет адабиётшунослиги имкон қадар шоир асарларини ўз мафкурасига мослаштириб, мумтоз адабиётдан соцреализмга ўтувчи поғона — “демократ шоир” дея таъриф этган. Ҳолбуки, вақтлар ўтиб ҳақиқат аслида бундай эмаслиги кўринмоқда. Шоирнинг энг яхши шеърларида советлар даврида зўр бериб таъкидланганидай “дунёсеварлик” эмас, аксинча, дунё ҳою ҳавасларига алданмаслик тарғиб этилади.

“Тазкираи Қаюмий” муаллифи шоирни қай тарзда кўрганини ва унинг ҳислатларини аниқ хотиралар билан баён қилади. Ушбу ноёб манбада энг катта маълумот ҳам Муқимий ҳақидадир. Унда айтилишича: “...Муқимий халқга шоир бўлиб танилган. Шу ишда фақирлик ила яшаган. Хусни хат эгаси — хаттот; таҳрирда мукамал хатнавислик билан ҳаёт кечирган. Имом, мутавалли ё қози бўлса, илмий тайёрли эди. Бу хизматларни қилмади...”³

Аҳлини топса ошиқ,
ўзин асраёлмағай,
Кўксига оҳи, кўзда
сиришки равонадир...



Унинг бу “сўзи дили” “Азимий” таҳаллуси билан ижод этган Азимхожа эшоннинг ғазалига қилган муҳаммасидандир. Фикримизча, мазкур мисралар ҳам шоир руҳонияти, унинг дунёқарashi ҳақидаги “советча” даъволар асосиз эканидан дарак беради.

Отабек ЖўРАБОВЕВ,
филология фанлари номзоди

¹ Миён Фазл Аҳад — Кўқон улугларидан. Муқимийнинг дўсти ва ҳомийи Миён Сотиболдихоннинг отаси.

² “Девони Муқимий маа ҳажвиёт”. Тошкент. Орифжонов матбааси, 1912. 2–3-бетлар.

³ “Тазкираи Қаюмий”. Тошкент. 1918. 1-китоб, 212-бет.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР

Йигирманчи аср охирида советлар тузумининг йўққа чиқиши миллионлаб одамларни хийла саросимага солиб қўйди. Шу боис баъзи тоифа кишилар онгида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлди. Бу ҳол бузғунчи оқимлар, жумладан, миссионерлар учун айна кутилган ҳол эди.

“Миссионерлик” сўзи лотин тилидаги “миссио” феълидан олинган, “юбориш”, “вазифа топшириш” маъноларини англатади. “Миссионер” “вазифа бажарувчи” деган маънони билдиради. Қомусий манбалар таърифига кўра, миссионерлик бир динга эътиқод қилувчилар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатади.

Тарихий маълумотларга кўра, милодий 38 йилдан бошлаб миссионерлар Ҳазрати Исога (алайҳиссалом) туширилган Инжил кўрсатмаларини бузиб, яҳудий бўлмаган халқлар орасида ҳам тарғиботни бошлаб юборишди. Масалан, илк миссионерлар аста-секин Ўрта ер денгизи бўйлаб, Рим империясига қарашли шаҳарлар, вилоятларда ишларини кучайтиришди. Натижада милодий тўрт юзинчи йилларга келиб, насронийлик Рим империясида расмий динга айланди. Рим қўшинлари қайси мамлакатга юриш қилса, миссионерлар қўшин билан бирга ўша мамлакатга кириб боришарди. Бу ҳодисалар миссионерликдан сиёсий мақсадларда фойдаланиш йўлидаги илк қадамлар эди.

Ҳозир миссионерлар кириб бормаган соҳа ва улар иш олиб бормаётган мамла-

катни дунёда топиш қийин. Миссионерлик нафақат диний уламоларни, балки кенг жамоатчиликни ҳам ташвишга солмоқда. Чунки миссионерлик ҳаракати остида узоқни кўзлаган сиёсий мақсадлар ётади. Йирик давлатлар бу ҳаракат ёрдамида ўз таъсир доираларини кенгайти-



риш, ерости бойликлари ва энергетика захиралари устидан назорат ўрнатишга уринишмоқда. Шунинг учун миссионерларни йирик давлатлар ва баъзи марказлар ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашяпти.

Миссионерлар турли минтақаларга илмий ва тиббий ходим, турли касб-хунар мутахассислари қиёфасида махсус топшириқлар билан кириб боришади. Сўнгра ерли аҳолини ҳар хил йўллар билан ўзларига оғдира бошлашади. Масалан, бепул тиббий ёрдам кўрсатишади, тун-

ги клубларда турли тадбирлар ўтказиб, ёшларни жалб қилишади. Насронийликни қабул қилганларга маълум миқдорда пул ҳам беришади ва уларни черковларига таклиф этишади. Ёш болаларни ёзда дам олиш оромгоҳларига бепул қабул қилиб, шу воқитлар билан уларни насронийликни қабул қилишга чорлашади.

Матбуот хабарларига кўра, Қозоғистондаги “Ҳосил ўриб олиш черкови”нинг “Нива” оромгоҳида бундан бир неча йил олдин уч мингдан зиёд бола дам олган. Дастур усталик билан ишлаб чиқилганидан мавсум охирига бориб оромгоҳда дам олган бола насронийликни қабул қилмай иложи йўқ. Шунга ўхшаш йўллар билан миссионерлар сафларини кенгайтириб боришади.

Миссионерликнинг бугунги кундаги зарари ҳақида бир мисол: Ўзбек йигити хорижга бориб ишлаб, ўша ердаги миссионерлар таъсирида насроний динини қабул қилади. Лекин оиласидагилар бундан беҳабар. Иттифоқо, йигитнинг отаси вафот этади. Шунда ўғил отамни насронийчасига дафн қиламиз, деб туриб олади ва ўзи бу динни қабул этганини эълон қилади. Бу ҳолат хонадон аҳлига мусибат устига мусибат бўлади. Ака-укалари ва қариндош-уруғлари қанча насиҳат қилишса ҳам, йигит сўзида туриб олади. Илож топа олмаган ака-укалари уни уйдан ҳайдашга қасд қилишади...

Бу бир хонадондаги ташвиш. Энди бу уят иш маҳал-

ла, қишлоқ ёки шаҳар миқёсида бўлишини ўйлаб кўринг... Аллоҳ сақласин. Халқимиз жуда оғир кечган қатағон, қаҳатчилик, очарчилик йилларида ҳам динини сотмаган. Наҳотки бугунгидек тўкин-сочин фаровон кунларда динидан қайтса?!

Имом Муслим Абу Саид Худрийдан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй мусулмонлар! Сизлардан қай бирингиз қинғир ишни кўрса, қўли билан ўзгартирсин. Агар қодир бўлмаса, тили билан ўзгартирсин. Агар бунга ҳам қодир бўлмаса, кўнглидан ўша ишдан нафратлансин, аммо бу имоннинг энг заиф даражасидир”, деганлар. Демак, ҳадиси шариф маъносига кўра, тинчлигимиз, бирлигимиз ва эътиқодимизга таҳдид солиб турган миссионерлик ҳаракатига, бошқа бузғунчи тоифаларга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ватан, миллат ва келажак авлодлар олдида масъуллигимиз шуни тақозо этади.

Абдулҳафиз САЙДУЛЛАЕВ,

Кўқон шаҳридаги “Ҳазрати Аббос” жомеъ масжиди имом-хатиби

Ҳаёли кишилар бирор гуноҳ ишни ҳаёлларига келтиришдан ҳам ҳижолат чекишади. Ҳатто ўзларига боғлиқ бўлмаган, кўнгиларида кечган ўйлари учун гуноҳкор бўлишмаса ҳам, пушаймон бўлиб, тавба-тазарру қилишади, Аллоҳ таолодан мағфират сўрашади. Чунки Аллоҳ таоло: **«Эй Одам болалари, шайтон Оталарингизнинг авратларини ўзларига кўрсатиш (яъни уятли аҳволга солиб қўйиш) учун уларнинг либосларини ечиб, жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин! Чунки у ва унинг малайлари сизлар-**

сўрадим. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аврат жойингни ҳеч кимга кўрсатма”, дедилар. Мен яна: “Одамлардан холи, ёлғиз қолганимда-чи?” дедим. “Ёлғиз қолганимда ҳам энг биринчи Аллоҳ таолодан уялишинг керак” (*Имом Аҳмад ва Термизий ривояти*), дедилар.

Имон дарахт бўлса, унинг бир шохи ҳаё экани ҳадисларда келтирилган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Имон олтмишдан ортиқ бўлаклардан иборат. Унинг энг афзали “*Ла илаҳа иллал-*

ҲАЁЛИ БЎЛАЙЛИК

ни ўзингиз билмайдиган тарафдан кўриб турадилар (яъни, улар сизларни қандай алдашганини сезмай қолишларингиз мумкин). **Албатта, биз шайтонни имонсиз кимсаларга дўст қилиб қўйганмиз»** (*Аҳзоб, 53*), дея огоҳлантирган.

Инсон чинакам ҳаёли бўлиб, маънисиз қилиқлардан ўзини тийиб юрса, шайтон йўриғига тушиб қолишининг олди олинади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ўта ҳаёли бўлганлар ва умматларини ҳам шундай бўлишга чақирганлар. Абу Саид Худрий (Аллоҳ рози бўлсин): “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаёда чимилдикдаги келиндан ҳам ўтардилар. Қачон ўзлари ёқтирмайдиган нарсани кўрсалар, дарҳол юзларидан (норозилик аломатлари орқали) билиб олардик” (*Имом Муслим*), дейди.

Айниқса, аёл-қизларнинг иболи, ифбатли бўлишлари уларнинг табиий гўзаллигини янада оширади. “Мода” дея ёки тақлид қилиб миллатимизга ёт услубда кийинаётган баъзи қиз-жувонлар, афсус, юздаги доғдек кўзга ташланади.

Баҳз ибн Ҳаким ривоят қилади: “Мен Расулulloҳдан (саллаллоҳу алайҳи васаллам), одамлар кўп (бир-бирларига аралашиб юрадиган) жойларда қандай юриш керак, деб

лоҳ” энг кичиги эса — одамларга озор берадиган нарсаларни йўлдан олиб ташлаш. Ҳаё имоннинг бир бўлагидир” (*Муттафақун алайҳ*), деганлар. Ҳаё билан имонимиз нурланади. Халқимиз “Имонсизда ҳаё, ҳаёсизда имон бўлмайди”, деб бежиз айтмаган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё билан ҳаё қилинлар”, дедилар. “Бизлар Аллоҳ таолодан ҳаё қиламиз, алҳамдулиллаҳ”, дедик. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “У ҳаё эмас. Ким Аллоҳ таолодан чин ҳаё қилса, бош ва унинг атрофидаги (аъзо)ларни сақласин, қорин ва унинг атрофидаги (аъзо)ларни сақласин, ўлимни ва қайтиш (куни)ни эсга олсин. Ким охиратни хоҳласа, дунё зийнатлари билан алданмайди. Буларга амал қилган киши Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилган бўлади”, дедилар».

Аллоҳ таоло барчамизга Ўзидан кўрққан ҳолда чин ҳаё билан зийнатланишни, фақат эзгулик ва яхшилик билан машғул бўлишни насиб этсин!

Қамариддин ҚАМБАРОВ,
Зангиота тумани “Эшонгузар” жомеи имом-хатиби

Жалолиддин РУМИЙ

ҚУШ ОВЛАЁТГАН ОДАМ

Бир қушча ўтлоққа учиб борди. У ерда эса овчи тузоқ қўйган, тузоққа бир сиқим бугдой сепган, ўзи чеккада, ўтлар орасида яшири-ниб ётарди.

Қушча келиб, унинг атрофида айланиб уча бошлади. Одамнинг бундай хас-хашакка ўра-ниб олиши унга ғалати туюлди:

– Сен кимсан? Нега яшири-ниб ётибсан, бун-дай овлоқ жойда нимани кутяпсан? Йиртқич хайвонлардан қўрқмайсанми? – деб сўради.

– Мен бир зоҳидман. Дунёга этак силки-дим. Шу чекка жойда ўт-ўланлар билан озик-ланиб, шунга қаноат қилиб яшайман, – деди одам.

Қушча одамдан яна бир неча савол сўра-ди, одам жавоб берди. Ниҳоят, қуш бугдой доналарини кўриб қолди.

– Булар нима?

– Булар менга ҳеч кими йўқ бир етимнинг омонати.

– Жуда очман, рухсат берсанг, булардан еб, қорнимни тўйдирсам, чунки шундай ме-нинг заруратим бор. Зарурий ҳолларда ҳатто лош (ўлакка) ейиш ҳам мувоҳидир.

Бу ҳикоянинг бир қарашда таъсири кучсизроқ кўринади. Кўз олдимизда қушларга тузоқ қўйган ва ёлгон гапирган одам гавдаланади. Аммо Мавлоно Румий воқеа баъни орасида айт-моқчи бўлган муҳим гапларини қистириб ўтади. Ўзини “зоҳид” дея таништирган овчи тилидан дунё ҳаётига бир ўхшатиш ила таъриф беради:

“Болалар ўйиндан завқлана-дилар, аммо кечқурун уларни қўлларидан судраб, уйларига олиб кетишади. Ёш бола ўйинга қизи-қиб кетганидан кўйлаги, қал-поги, оёқ ки-йимини ечиб отади. Ўғри эса келиб, уларни илиб кетади. Бола ўйинга шу қада-р берилиб кетадики, ки-йимлари ҳатто эсига ҳам туш-майди. Кеч ки-

риб қолса ҳам, ўйинни тарк эт-майди, уйига қайтишни хаёлига келтирмайди”. Мавлоно шу ўрин-да, Қуръони карим оятлари маз-мунини эслатади: “**Дунё ҳаёти фақат бир ўйиндан иборат**” (Анъом, 32; Анкабут, 29; Мухам-мад, 36)

“Сен бўлсанг, ўйинга бе-рилдинг, кийимингни елга от-динг, энди қўрқувга тушдинг. Қоронғу тушмасидан кийиминг-ни қидир, вақтингни миш-миш (бекорчи гаплар) билан зое кет-казма”. Айни ўринда Румий тавбанинг ўзига хос хусусият-ларини кўрсатади:

Қош қораймасдин даракла,
тўнни топ,

Кундузингни беҳуда
этма хароб...

Тавбани жабдуқла,
от сол тўғридин,

Ет қувиб, тўнингни
олгин ўғридин.

– Бу бугдойларни менга ишонишгани учун омонат қолдиришди, етим ҳақини ейиш гуноҳ.

Бироқ қуш ниҳоятда оч эди, қаттиқ туриб олди:

– Эй зоҳид киши, рухсат берақол – шу буг-дойдан еб, қорнимни тўйдирайин, – деди.

– Зарурат ҳақида ўзингга бир фатво ўйлаб топдинг. Агар ҳақиқатда бундай бўлмаса, гу-ноҳкор бўласан. Ҳатто заруратинг бўлса-да, эҳтиёт бўлишинг, ҳаромдан сақланишинг ях-шидир.

Қушнинг ортиқ чидашга тоқати қолмади, катта иштаҳа билан бугдойга отилди ва ея бошлади. Бир-икки дон емай туриб, тузоққа илindi. Қутулиш учун жон талвасасида ти-пирчилар экан, ўз-ўзига:

– Сохтачи-ёлгончиларнинг афсунларига алданган кишининг ҳоли хароб бўлади, – дер эди.

Бу сўзларни эшитган одам унга:

– Етим молини ноҳақ еган, кўзларини хирс қоплаганларга ҳам лойиқ жазо мана шу, – деди (“Маснавийи маънавий”, VI жилд, 435-б.).

Шарҳ

Тавба тулпори ажаб

тулпор эрур,

Лаҳзада авжи фалакка
юксалур.

Асра тулпорингни,

ўғри ногаҳон

Чалмасин, тўнингни

олгандек ниҳон.

Қуш тилидан буталар орасига бекиниб, зоҳидлик даъво қил-ган одамга бундай қилиши яхши эмаслигини эслатади:

Қуш деди: хилват аро

ўлтирма, бас,


Дини Аҳмадда тараҳҳуб
хуш эмас.

Чун тараҳҳубни ясоқ

этди Расул,

Сен бу янглиғ бидъат этма,
эй фузул.

Ушбу байтларда Ҳазрати Пайғамбаримизнинг (алайҳисса-лом) “Мусулмончиликда роҳиб-лик йўқдир” (Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснад”, IV, 226) ҳадислари-дан иқтибос келтирилган. Чин-дан ҳам, Ислом динида ҳеч қачон қадимги даврларда бўлга-



ни каби таркидунёчилик, роҳиблик-ка асло ўрин берилмаган. Зоҳидлик тоғу тошларга чиқиб, халқдан ажралиш, хилватга чекиниш эмас. Ҳақиқий зоҳидлик халқ ичида юриб, ҳақ-ла бўлишдир. Кишининг оиласи ва фарзандларини қаровсиз ташлаб қўйиши, тирикчилик заҳматини тарк этиши зухд эмас. Зухд нафсни тарбиялаш, унинг истакларини камайтириш, уни жиловлаб олишдир.

Аммо чиройли насиҳатлар берган қушнинг борлиғида моддий томон тош босади. Унинг қорни оч, сепилган буғдой донларини териб емоқчи... Бу гал одам ёлғон гапиради: “булар етимнинг моли, менга омонат берилган”, дейди. Қуш эса жуда очқанидан, ўлмаслик учун ҳаром нарсаларни ейиш ҳам мумкинлигини айтади: “Мен жуда очман, шу онда менга ҳатто лош (ўлакса) ҳам ҳалол”.

Унга одам: “Зарурат борасида фатво чиқариб олгансан. Унутмагин, зарурий эҳтиёжинг бўлмаса, гуноҳга қоласан. Ҳатто эҳтиёжинг бўлганида ҳам зулмдан сақланишинг жуда яхшидир”, дейди.

Жалолиддин Румий бу ўринда мажбур бўлганида тақиқланган нарсаларни ейиш ҳақидаги масалага эътиборни тортади. Бироқ бу мажбурлик ва заруратнинг ҳақиқатини ва даражасини белгилайдиган кишининг инсоф-ихлосидир. Рухсат билан азимат орасида танлаш ихтиёри инсоннинг ўзида.

Умар Форук Сайдо ал-Жазарий айтади: “Фикҳда рухсат ва азимат деган икки тушунча бор. Рухсатлар қулайликлардир. Айтайлик, инсон бир мушкул ҳолатга тушса, ундан қутулишнинг осон чорасини излаб топади ва яна йўлида давом этаверади. Азимат эса қийин, аммо ишончли йўл. Дарров осонга чопаверган алданиб қолиши мумкин. Имон-эътиқоди мустаҳкам инсон йўлида собит туради, қийинчиликдан оғринмайди”.

Инсон нафсининг офатларидан бири – ҳақиқатни тан олмаслик, насиҳатга қулоқ солмаслик, фақат ўз фикрида қайсарлик билан оёқ тираб туриб олишидир. Мавлоно Румий ушбу ҳикоя билан ана шундай – ҳали нафси тарбияга муҳтож одамларга ойна мисол айбу камчиликларини кўрсатмоқда.

Абдуллоҳ МУРОД
тайёрлади.

Фарзанднинг дунёга келиши оила бахти ҳисобланади. Ота-онанинг бола туғилганидан кейинги биринчи вазифаси қулоғига азон айтиш ва чиройли исм қўйишдир. Исм инсон табиатига таъсир қилади. Шунинг учун халқимиз бу масалага алоҳида эътибор беради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифларида бундай марҳамат

қа чиройли исмларга алмаштириб, умматларини ҳам шунга чорлаганлар.

Ривоят килинишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кишидан исмини сўради. У исмини Ҳузн (яъни, ғам) эканини айтди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг исмини “Саҳл” (яъни, шодмон) деб ўзгартирдилар¹.

Фарзанднинг гўзал исмга

ЯХШИ ИСМ ЗИЙНАТДИР

қиладилар: “Албатта, сизлар қиёмат куни исмларинг ва оталарингнинг исми ҳақида сўраласизлар, шундай экан, фарзандларингга гўзал исм қўйинглар” (Абу Довуд).

Исмларнинг Аллоҳга энг ёқимлиси “Абдуллоҳ”, “Абдураҳмон”дир. Бола эсини таниб, ақли тўлганида ўзининг Аллоҳга банда, Аллоҳ эса унинг Яратувчиси эканини билади. Шунинг учун фарзандларга шу маънони англатувчи “Абдулқодир”, “Абдураззоқ”, “Абдурахим” каби исмларни қўйган яхши. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), улў саҳобийлар, яхши инсонлар ва фазл эгаларининг исмлари билан номлаш ҳам кишига хузур бағишлайди.

Улуғларимиз бундай дейишади: “Ҳар бир мўмин-мусулмон фарзандига энг олдин, яхши исм қўйиши керак. Сўнгра тарбиясига катта эътибор бериши, ҳалол ризқ билан боқиши жуда муҳим. Бола тарбиясига жамиятда кўп омиллар таъсир этади. Бу масалаларда энг биринчи масъул шахс отадир”.

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёқимсиз, маъноси йўқ исмларни бош-



эга бўлиши ҳам унинг ҳақ-хуқуқларидан биридир. Чиройли исм унинг онги, руҳиятига сингиб, яхши хулқли инсон каби улғайишига асос бўлади.

Тошкент Ислон университети
магистранти
Шарифа
МИРЗАҲАМДАМОВА
тайёрлади.

¹ Имом Муҳаммад ибн Қайюм Жавзийнинг “Тухфатул мавдуд би аҳкамил мавлуд” асаридан фойдаланилди (Байрут, Дар ул-Кутуб ал-илмийа, 1999 йил).

ТУМАНЛИК ЎЗБЕКЛАР

Россиянинг Туман (Тюмен) вилояти мусулмонлари машҳур савдогар Неъматуллоҳ ҳожи Кўрмишаков-Сайдуковни ҳанузгача яхши эслашади. Сабоби, у ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида Туман ва унга қўшни вилоятларда жуда кўп савобли ишларни қилган эди. У Эмбаевода қурдирган катта бино ҳозир музей, Туман вилояти диний бошқармаси таркибига кирувчи Неъматуллоҳ ҳожи Кўрмишаков номидаги мадраса ва масжид жойлашган.

Неъматуллоҳнинг бобоси Сайдук катта бобоси Абдуллоҳ билан бирга тижорат юзасидан Сибирга келишиб, шу ерда муқим туриб қолишади. Неъматуллоҳ Туман уездининг бухороликлар волости маркази Эмбаевода 1829 йили туғилди. Эмбаевога ҳам, унга қўшни Тўраевога ҳам Бухородан келиб ўрнашган савдогарлар асос солишган эди. Ҳатто бир йили Неъматуллоҳ ҳожи ҳаждан қайтиб келса, ёнгина содир бўлиб, қишлоқнинг каттагина қисмини вайрон қилганини кўради. Шунда у талофот кўрган барча ҳамқишлоқларининг уйларини янгидан қурдириб беради.

Ўлка тарихчилари маълумот беришича, Сайдук ўғли Кўрмишаков ёшлик чоғида эмбаеволик бойлардан Абдулкарим қўлида хизмат қилган экан. Абдулка-

римбой Еттиўтов билан Павлодарга қатнаб савдо қилар эди. Кўрмишаков бойга хизмат қилиш асносида ўз тижоратини ҳам бошлайди. Ҳамқишлоғи Эшмурод Алибеков иккиси қозоқ чўлларидан чорва, жун тўплаб, Туманга ва машҳур Ирбит ярмаркасига келтириб сотишади. Бу ердан сотиб олишган газлама, атторлик моллари, кўчманчи ҳаётда асқотадиган темир буюмларини чўлларда пуллашади. Тижоратлари авж олиб, Кўрмишаков тез орада Туман, Павлодар, Еттиўтовда ўз дўконларини очади. Унинг уч ўғли — Раҳматуллоҳ, Неъматуллоҳ, Ҳабибуллоҳ ва қизи Биби Робия оталарига ёрдам беришади.

Кўрмишаков умри охирида ҳажга отланди, ҳажни адо этиб қайтишда йўлда вафот этди. Шунда ака-ука Кўрмишаков-Сайдуковлар оталари ишини қўлга олишди. Улар Тоболск губернасида, Қашқар, Олмаота, Жаркент, Зайсан, Қарқарали шаҳарларида савдо уйлари очишди.

Ўртанча ўғил Неъматуллоҳнинг ишлари айниқса юришиб кетди. У Фарангистондан атирупа ва зийнат-тақинчоқлар, Хитойдан чинни идиш, тахта чой, зираворлар, Арабистон ва Туркиядан китоб ва журналлар, Жанубий Туркистондан гилам, газлама, қуруқ мева, бошқа шарқ ширинликлари келтириб, Сибир ўлкаларида сотди. Ўша пайтда Россиянинг ботқоқ ва сирпанчиқ йўлларида арава ва чаналарда мол ташиш жуда машаққатли эди.

Эмбаеводаги музей ходими Рашида Эшимова айтишича, Неъматуллоҳ Кўрмишаков ёшлигида эмбаеволик уламолардан Муҳаммад Раҳимхон охун, мулла Ҳабибуллоҳ Сайидов, мулла Ҳалимжон, мулла Боқилардан араб тили ва дин илм-

ларини ўрганган. 1884 йили у Эмбаевода исломий мажмуа қурдиришга киришади. Мажмуада масжид ва мадрасадан ташқари меҳмонхона, кутубхона, ошхона ҳам бор эди.

Мадраса битгач, Неъматуллоҳ Россиянинг биринчи муфтийи Муҳаммаджон Бурундуқовнинг қариндоши Хисматуллоҳ Бурундуқовни унга мударрис қилиб тайинлайди ҳамда олимни яхшигина маош ва уй-жой билан таъминлайди. Ўқув юртида, шунингдек, Сибирнинг таниқли маърифатпарвари, фикҳ ва сарф-наҳвга доир ўнлаб китоблар муаллифи Мулқай Юмачиков ҳам дарс берган. Ўша пайтда мадрасада бутун Тоболск губернасида икки юзга яқин талаба таҳсил олган.

Тарихчи Рашида Эшимова таъкидлашича, Неъматуллоҳ машҳур «Таржимон» газетини, кўплаб диний китобларни олиб турган. Ўтган аср бошларида Эмбаево кутубхонасида 2200 жилд босма ва қўлёзма китоб бўлган. Сибирлик ўзбек савдогари Яқин Шарқ мамлакатларини кезиб, жуда кўп олимлар билан дўстлашган эди.

Ҳаётда жуда камтар бўлган Неъматуллоҳ ҳожи Аллоҳ таоланинг синовларига рози ҳолда, юксак сабр-бардош билан умр кечирди.

1921 йили янги совет ҳокимияти Кўрмишаков-Сайдуковлар оиласини қишлоқдан бадарга қилди. Натижада бу оила турли ўлкаларга тарқалиб кетди. Кимдир Ўрта Осиё ва Қозоғистонга йўл олди, айримлари сафарда вафот этишди. Сибирда Неъматуллоҳ ҳожининг набираси Орифагина қолди, у қачонлардир бобоси масжид қурдирган Новоатялово қишлоғида умр кечирди. Орифанинг набиралари ҳозир ҳам Туман вилоятида яшашади.

Халил АБДУВОҲИДОВ

